



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 11 апрель, шанба, №40-41 (3686-3687).



»» Президент

ҚОЗОҒИСТОН – КОРЕЯ: ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Давлат раҳбари Корея Республикаси Президентининг махсус вакили – Президент Маъмурияти раҳбари Кан Хун Шикни қабул қилди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Корея Республикаси Қозоғистоннинг асосий стратегик ҳамкорларидан бири эканини алоҳида таъкидлаб, икки давлат ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланаётганини юксак баҳолади.

Президент Корея Республикаси жадал тараққий этаётган давлат сифатида юксак эътиборга лойиқ эканини қайд этди. Шунингдек, у Астана томонидан икки мамлакат ўртасидаги кенгайтирилган стратегик ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қатъий интилиш мавжудлигини маълум қилди.

Давлат раҳбари Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мёнга эзгу тилакларини йўллаб, Кан Хун Шикнинг мазкур ташрифи унинг махсус вакили сифатида алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

– Сизнинг бу ташрифингиз Қозоғистон – Корея муносабатларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Ишончим комилки, кўшма сазй-ҳаракатларимиз тўғрисида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил равишда янада юқалиб боради, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Уз навбатида, Кан Хун Шик самимий қабул учун миннат-



дорчилик билдириб, Президент Ли Чжэ Мённинг табрикларини етказди. У Қозоғистонда янги Конституцияни қабул қилиш бўйича референдумнинг муваффақиятли ўтгани муносабати билан йўлланган табрикларни алоҳида таъкидлади.

Махсус вакил Корея Республикаси икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга алоҳида аҳамият қаратаётганини қайд этди. Бу йўлда савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни кучайтириш, турли соҳаларда кўшма лойиҳаларни

амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Суҳбат чоғида икки томонлама кун тартибидagi кенг қамровли масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, жаҳон бозоридаги мавжуд мураккаб вазиятларни инобатга олган ҳолда, энергетика ҳамда транспорт-логистика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Учрашув якунида Кан Хун Шик Давлат раҳбарига Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мённинг Сеул шаҳрига расмий

ташриф билан келиш таклифини етказди. Шунингдек, жорий йил сентябрь ойида ўтказилиши режалаштирилган «Марказий Осиё – Корея Республикаси» саммитида иштирок этиш таклифи ҳам билдирилди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев ушбу таклифни миннатдорлик билан қабул қилиб, бўлажак олий даражадаги музокаралар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишига ишонч билдирди.

Akorda.kz.

»» Таҳлил



PREZIDENT CHAMPIONLARNI TABRIKLADI

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев боксчилар Дина Исламбекова ва Надежда Рябецни Осиё чемпионатида эришган ютуқлари билан самимий табриклади.

Давлат раҳбари спортчиларнинг юксак маҳорати, ғалабага бўлган қатъий иродаси ҳамда ватанпарварлик туйғулари мухлисларда улкан таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Президент спорт соҳасини ривожлантириш мамлакат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини қайд этдиб, келгусида оммавий ва касбий спортни қўллаб-қувватлаш давом эттирилишини маълум қилди. Президент халқаро мусобақаларда эришилган натижалар давлат тараққиёти ва жамият салоҳиятининг муҳим кўрсаткичи эканини алоҳида қайд этди.

Табрик нутқида Юртбоши келгуси йирик спорт тадбирларига тўхталиб, миллий терма жамоа аъзоларига омад тилади.

Шу билан бирга, бўлажак жаҳон чемпионатлари ҳамда Лос-Анжелесда ўтказиладиган Олимпия ўйинларига тайёргарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди.

Akorda.kz.

»» Обуна – 2026

“ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” – ХАЛҚ МИНБАРИ

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси жорий йилда ўзининг 35 йиллик қутлуғ санасини нишонлади. Бу – нашр учун камолга етган, айни пайтда навқирон ва серғайрат даврдир.



Доимий ҳамроҳингиз бўлган сеvimли рўзномангиз саҳифаларида чоп этилаётган ранг-баранг, долзарб ва дилтортар мақола, хабар ҳамда янгиликлар орқали вилоятимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган муҳим воқеалардан мунтазам хабардор бўлиб бормоқдасиз.

Рўзноманинг деярли ҳар бир сонидида миллий тарбия, кенг кўламли ислохотлар, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси, истиқбол режалари, миллий кадрлар каби муҳим мавзу ва йўналишлар изчил ёритилмоқда.

Газетамиз сизнинг, яқинларингиз ва ҳамкасбларингизнинг ишончли дўсти ва маслаҳатчиси бўлиб қолиши учун таҳририят жамоаси истиқболли лойиҳалар устида изчил меҳнат қилмоқда. Рақобатбардош, изланувчан ва фидойи жамоа сиз азиз ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб, нашр мазмун-моҳиятини янада бойитишга, маънавий хизмат кўламини кенгайтиришга доим тайёр.

6 ойлик обуна баҳоси:
“Қазпошта” ҲЖ орқали — 5230 тенге.

ТАҲРИРИЯТ.

ИССИҚҲОНАЛАРГА – ЯШИЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Вилоятда иссиқхона хўжалиги жадал тараққий этиб, экологик масъулият масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, қиш мавсумида иссиқхоналарда кўмир ёқилиб, атмосферага зарарли чиқиндиларнинг кўпайишига сабаб бўлаётгани қайд этилмоқда. Бу эса атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Вилоят ҳоқими Нуралхан Кўшеров Сарюғоч туманида иссиқхона хўжалиги билан шуғулланувчи тадбиркорлар билан учрашувда мазкур масалага алоҳида тўхталди. У тадбиркорларни экологик масъулиятни чуқур ҳис этишга чақириб, соҳанинг келажаги нафақат иқтисодий самарадорлик, балки экологик мувозанатга ҳам боғлиқ эканлигини таъкидлади.

– Иссиқхона – бу фақат даромад манбаи эмас, балки юксак масъулият ҳамдир. Кўмирдан чиқадиган зарарли моддалар атроф-муҳитга ҳам, инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, тадбиркорлар бу масалага бепарқ қарамаслиги лозим. Давлат томонидан барча зарур қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этилмоқда. Бироқ энг муҳими – ҳар бир тадбиркорнинг шахсий масъулиятидир. Биз фақат бугунги манфаатни эмас, келажак авлод олдидидаги масъулиятни ҳам унутмаслигимиз керак, – деди вилоят раҳбари.

Республикадаги иссиқхоналарнинг қарийб 72 фоизи вилоятимизда жойлашган. Умумий майдони 1006,7 гектар бўлган 3 366та иссиқхона аҳолини иш билан ва ички бозорни сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Сарюғоч туманида бугунги



кунда 2183та иссиқхона мавжуд. Уларнинг 551,8 гектари кўмир, 7,5 гектари табиий газ ёрдамида иситилади, 247,9 гектари эса оддий парниклар.

Мутахассислар фикрича, экологик юқламини камайитиришнинг энг самарали йўли – иссиқхона қозонхоналарига замонавий тўтун филтёрларини ўрнатиш ва босқичма-босқич табиий газга ўтишидир. Бундай филтёр тизимларининг ўртача қиймати ҳар

гектар учун 4-5 миллион тенгени ташкил этади.

Худудда бу йўналишда аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Атамекен” миллий тадбиркорлар палатаси, “QazaqGaz” ҳамда тегишли идоралар ҳамкорлигида ишчи учрашувлар ўтказилиб, амалий ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, илғор тажрибани ўрганиш мақсадида хорижий давлатлардаги иссиқхона мажмуала-

рига хизмат сафарлари ташкил этилмоқда.

Давлат томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, иссиқхоналарнинг ҳар гектари учун 8,1 миллион тенге, деҳқон хўжалиқларига эса 4,8 миллион тенге миқдорда субсидия ажратилмоқда. Шу билан бирга, “Яшил иссиқхона” лойиҳаси доирасида энергия захиралари харажатларини қисман қоплаш тизими жорий этилган.

Бундан ташқари, “Қишлоқ омонати” дастури доирасида иссиқхоналарни замонавийлаштириш учун имтиёзли кредитлар тақдим этилмоқда. Айни пайтда тўтун филтёрларини ўрнатиш бўйича 100дан зиёд ариза келиб тушган.

Вилоят ҳоқимининг
матбуот хизмати.

«TURGYNDAR AMANATY»: ислохотлардан амалий натижа сари

Түркістан қаласы, 8 сәуір 2026 жыл

Давлат раҳбарининг уй-жой жамғармасын бошқариш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган топшириқлари бугун ўз самарасын бермоқда. Зеро, замон ўзгармоқда, талаблар янгиленмоқда, инсон ҳаётининг сифати эса ана шу ислохотлар билан чамбарчас боғлиқ.

2025 йил 8 сентябрда эълон қилинган “Қозоғистон сунъий идрок даврида: долзарб масалалар ва уларнинг ечими – рақамли ислохотлар орқали” номли Мақтубда уй-жой жамғармасын ривожлантириш ва янгилаш масаласи алоҳида қайд этилган бежиз эмас. Чунки бу соҳа – ҳар бир фуқаронинг кундалик ҳаётига, унинг фаровонлиги ва эртанги кунига дахлдор.

Ана шу устувор вазифалар ижроси доирасида уй-жой коммунал хўжалиги тизимини замонавийлаштиришга қаратилган аниқ қадамлардан бири сифатида бошқарувнинг мутлақо янги шакли жорий этилди.

2025 йил 15 сентябрда кучга кирган янги қонунга мувофиқ, уй-жойни бошқариш тизимига оид қатор янги меъёрлар тасдиқланди. Эндиликда фуқаролар кўп хонали уй-жойни бошқариш шаклини ўзлари танлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу борада хонадон соҳибларига бошқарувнинг икки шакли тақлиф қилинди.

Хонадон эгалари учун икки хил бошқарув шакли тақлиф этилди. Биринчи йўл – мулк эгалари бирлашмасини тузиб, уй бошқарувини раис орқали ташкил этиш. Бу ҳолда аҳоли ўз манфаатларини бирлаштириб, умумий мулкни асраш ва ривожлантириш йўлида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилади.

Иккинчи йўл – бевосита бошқарув. Яъни, фуқаролар алоҳида ҳуқуқий шахс ташкил этмасдан, уйни бошқаришга оид қарорларни ўзлари қабул қилади. Бу усулда ҳам жамоавийлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик асосий ўрин тутди.

Муҳими, мазкур дастакларда хонадонлар сонига чеклов қўйилмагани тизимнинг янада қулай ва самарали бўлишини таъминлайди.

Уй-жойни бошқаришга доир янги талаблар, энергетика ва инфратузилмани бошқаришнинг янги модели “AMANAT” партиясининг “TURGYNDAR AMANATY” лойиҳасини таништириш ҳамда соҳага тегишли муҳим масалаларга бағишланган “Уйни бошқариш: масъулият, ишонч, натижа” семинар-

форумида атрофлича муҳокама қилинди.

Вилоят ҳоқими Нуралхан Кўшероғов раҳбарлигида ўтган анжуманда “AMANAT” партияси котиби Ержан Жилқибаетов, ҚР Парламенти Мажлиси депутаты Нурсултан Байтилесов, “AMANAT” партияси вилоят филиали раиси Алтинсари Умбеталиев, вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов, вилоят ҳоқимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов, Туркистон, Кентов шаҳар ҳоқимлари, вилоятга қарашли давлат харидлар департаменти, вилоят ҳоқимлигининг соҳавий бошқарма раҳбарлари, вилоят маслаҳати депутатлари, туман, шаҳар ҳоқимликлари бўлим раҳбарлари, қишлоқ ҳоқимлари, уй-жой муносабатлари соҳасидаги муассасаларнинг масъул ходимлари ҳамда мулк эгалари бирлашмалари вакиллари, ҳудудий партия филиаллари раислари ва ижровий котиблари иштирок этди.

Мажлисни очиб, унга раислик қилган вилоят ҳоқими Нуралхан Кўшероғов ушбу тадбир мамлакатимизда аҳоли энг кўп жойлашган минтақа ва тарихи теран Туркистон шаҳри учун алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ушбу учрашув минтақадаги уй-жойни бошқариш тизимини такомиллаштиришга, муҳим масалаларнинг ечимини топиб, самарали қарорлар қабул қилишга янги суръат бағишлайди. Айниқса, кўп хонали уй-жойларни самарали бошқариш масаласи бугун

жамият кун тартибидеги йўналишлардан бирига айлангани алоҳида қайд этилди.

– Давлат раҳбарининг топшириғини амалга ошириш мақсадида “AMANAT” партияси барча минтақаларда “TURGYNDAR AMANATY” лойиҳасини амалга оширмоқда. Унинг асосий мақсади – уй-жойларни самарали бошқариш, фуқаролар учун хавфсиз, қулай муҳит яратиш. Бугунги кунда вилоят ҳудудида 1 877 кўп хонали уй-жой мавжуд. Шулардан, 1 620та уй-жой кондоминиум сифатида рўйхатга олинса, 243та уй коммунал мулк ҳисобланади. Вилоят маркази – Туркистон шаҳрида кўп хонали уй-жойларни мулк эгаларининг бошқарув шаклига кўчириб, хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқишни режалаштирганмиз. Вилоят марказида 4та бошқарув компания ва 7та хизмат кўрсатиш муассасалари аҳолига самарали хизмат кўрсатмоқда. Бу борада, “TURGYNDAR AMANATY” лойиҳаси тажриба алмашиш, муҳим масалаларни ҳал қилиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш учун муҳим имконият, – деди Нуралхан Уралбайули.

Партия ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳанинг мақсади ва вазифалари, афзалликлари ҳақида “AMANAT” партияси котиби Ержан Жилқибаетов маълумот берди. Унинг таъкидлашича, уй-жой коммунал хўжалик инфратузилмасини бошқаришнинг янги тизим жорий этишга қара-

тилган ислохотлар ҳар бир шаҳарликнинг кундалик ҳаёти сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Тадбирда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вилоят ҳоқимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов маъруза қилди. У вилоятдаги уй-жой коммунал хўжалик соҳасидаги муаммолар ва уни ҳал қилиш йўллари атрафлича тўхталди.

ҚР Парламенти Мажлиси депутати Нурсултан Байтилесов Туркистон вилоятни мамлакатимизнинг жадал тараққий этаётган минтақаларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, инфратузилмани янгилаш масалаларига тўхталди.

Вилоят энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси раҳбари Тўқтар Усубалиев партия томонидан йўлга қўйилган лойиҳа доирасида уй-жой соҳасига доир муҳим масалаларни тизимли ҳал қилишнинг аҳамиятига тўхталди.

Туркистон шаҳри ҳоқими Азимбек Пазилбекули ва Кентов шаҳри ҳоқими Жандўс Тасовнинг маълумотларида соҳада амалга оширилаётган ишлар баён этилиб, кўп қаватли уй-жойларнинг муҳандислик инфратузилмасини янгилаш, ҳовиларни ободонлаштириш йўналишида аҳоли томонидан келиб тушган шикоятлар айтилди. Эскирган уйларни босқичма-босқич таъмирлаш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда бошқарув

компаниялари масъулиятини оширишга доир атрофлича ахборот берилди.

Туркистон шаҳридаги уй-жойларни бошқарув компаниясининг вакили Бақтияр Бердибаев, “Turkestan Lift” МЧБнинг лойиҳа етакчиси Марат Абдиқамалов, мулк эгалари бирлашмаси раиси Айжан Хансейтова семинар-анжуман доирасида уюштирилган суҳбатни очиб берган партияга миннатдорлик билдирди.

Тадбир доирасида иштирокчиларга муҳим масалаларни очиб муҳокама қилиш имкони яратилди. Мажлис савол-жавоб шаклида давом этиб, соҳада учрайдиган муаммоларни ҳал қилиш йўллари кўриб чиқилди.

Учрашувда хизмат кўрсатиш муассасаларининг тарифини қайта кўриб, тасдиқлаш, мулк эгалари бирлашмаларига тегишли солиқ имтиёзлари, уй-жой бошқарув компаниялар етакчиларининг малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш учун шароит яратишга доир саволларга жавоб берилди. Ижара уй-жойларда яшайдиган фуқаролар барчага баравар тартиб асосида бирлашмаларга бадал тўлаш лозимлиги айтилди.

Мазкур суҳбат майдони фуқароларнинг талаблари ва тақлифларини тинглаш, бошқарувчилар ва аҳоли ўртасидаги ишонч ва очиқ муносабатни мустаҳкамлашга имкон берди.

Вилоят ҳоқимининг
матбуот хизмати.

Туркистон вилояти ҳоқимининг ўринбосари Ертай Алтаев навбатдаги қабулини ўтказиб, фуқароларнинг мурожаатлари билан танишди.

Қабулга келган фуқаролар ижодий кечалар ўтказиш, уй-жой олиш, “Қазибек би ўкувлари” танловлари ва маданий тадбирлар ўтказишга молиявий ёрдам, шунингдек, кўпқари уйинларига оид долзарб масалаларни кўтардилар.

Шунингдек, ногирон ёшлар ўртасида ўтказилаётган спорт мусобақаларини аънавага айлантириш ва уларнинг буш вақтларини самарали ташкил этиш мақсадида махсус марказ ташкил этиш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Фуқароларнинг муаммоларини диққат билан тинглаган вилоят ҳоқими ўринбосари Ертай Кенжебекули мутасаддиларга барча масалаларни қонун доирасида ҳар томонлама ўрганиб, қисқа муддатда ҳал этишни топширди.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

АҲОЛИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ



»» Миллий қурултой қарорлари – ҳаётга

АЁЛ ВА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ – ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда 2 март куни ҚР “Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонуни расман кучга кирди. Ушбу қонуннинг асосий мақсади – жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бунга мойил шахслар билан ишлаш ҳамда фуқароларни жамият тартибини таъминлашга жалб қилишни кўзлайди.

Ҳоқимликлар энди жамоат жойларида тартибузар фуқароларни жарима билан жазолаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Участка нозирлари эса бундай хатти-ҳаракатларни тўхтатиш учун расмий – ёзма огоҳлантириш бериш ваколатига эга бўлдилар. Қонунда яна бир муҳим меъёр бор – энди воёга етмаган шахслар ҳимояси ва улар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари янада кучайтирилди.

Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, уларнинг ҳимояси бугунги куннинг долзарб мавзуси. Айниқса, вилоятимиз учун бу мавзу муҳим аҳамият касб этади. Туркистон вилояти ҳоқими ҳузуридаги хотин-қизлар ишлари ва оила-демография сиёсати бўйича комиссия матбуот хизмати маълумотларига кўра, минтақада 2 154 041 нафар аҳоли истиқомат қилса, унинг 49 фоизи, яъни 1055 181 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Болалар сони жиҳатидан ҳам етакчимиз. Бизда 185 мингдан зиёд кўп болали оила мавжуд. 18 мингдан зиёд она “Алтын алқа”, 43 мингдан зиёди эса “Кумис алқа” кўкрак нишонлари соҳибалари.

Маълумки, жануб аёллари азалдан меҳнатсевар. Фарзанд дунёга келтирибгина қўймасдан, уларнинг умри, соғлиги ва келажаги учун ҳам тинмай жон куйдирадилар. Шунинг учун минтақамиздаги қайси соҳани олмайлик, аёллар фаоллигини кузатамиз. Вилоятда қарийб 212697 минг тадбиркор бўлса, унинг 89878 минга яқини ёки 42,2 фоизи хотин-қизлар. Ҳоқимлик ишбилармон аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида мамлакатда биринчилардан бўлиб “Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш” марказини очди. Ушбу марказ ўтган йили ноябрь ойида Туркистон шаҳрида ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда тадбиркор хотин-қизларга имкониятларини кенгайтириш, бизнесини такомиллаштириш учун қулай шароитлар яратилган. Бугунги кунда марказ томонидан 2500дан зиёд тадбиркор аёлларга, шунингдек, бизнес го-я-ташабусларга эга ишбилармон хотин-қизларга малакали маслаҳатлар берилди.

Жамиятда хотин-қизлар фаоллиги давлат хизмати, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида кузатилади. Бугунги кунда вилоятда 5611 нафар давлат хизматчисининг 1572 нафари (28,1 фоизи) аёллар. 233 нафар хотин-қиз (15 фоиз) раҳбарлик лавозимларида давлат сиёсатини амалга оширмоқда.

Вилоят ҳоқими ҳузуридаги комиссия аъзолари янгиланган таркибда фаолият юритмоқда. Таркибига минтақада аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатли идора, ташкилотлар ходимлари, умуман, фуқаролик жамиятнинг оила тизимида фаолият юритаётган фаол шахслар киритилган. Улар иштирокчида 25 аъзодан иборат мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузилган. Ушбу гуруҳ долзарб муаммоларни ҳал қилиш, она ва бола ҳуқуқини жадал ҳимоя қилиш учун мутасадди давлат идоралари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Комиссиянинг самарали фаолияти, таркибидеги мутасадди идоралар ва жамоат фаоллари билан ҳамкорлик натижасида, аёллар ва болалар учун хавфсиз ва имкониятларга бой ҳаёт яратилмоқда. Бугунги кун талабларига мос равишда қабул қилинган қонунлар ва амалга оширилаётган дастурлар уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда беқиёс аҳамият касб этади, шунингдек, жамиятда барқарорлик, тотувлик ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Н. МАВЛОНОВА.

ИЛК ҲОСИЛ БОЗОР ПЕШТАХТАЛАРИДА



Мақтаарал тумани деҳқонлари эртапишар қарамнинг дастлабки ҳосилни йиғиб олишга киришдилар. Биринчилардан бўлиб, “Қилишбек” ИЧШ “Пекинка” нави ҳосилни етиштириб, Россияга экспорт қилди.

Хўжалик раҳбари Сейсенбай Мусирманқуловнинг гапларига кўра, хўжаликка тегишли 9 гектар ернинг 4 гектарига экилган қарам томчилатиб сугориш асосида етиштирилган. Ҳосилнинг килограмми 200 тенгедан сотилмоқда, умумий миқдори тахминан 120 тоннани ташкил қилиши кутилмоқда.

Мақтаараллик деҳқонлар асосан, 1-1,5 килоли қарамнинг “Ринда”, “Пекин”, “Пандион” навларини танлаган. Бу маҳсулотларга, айниқса, Европа ва Россия бозорларида талаб юқори. Бундан ташқари, маҳаллий деҳқонлар ички бозорни ҳам тўлиқ таъминлай оладилар. Туман қишлоқ хўжалиги салоҳиятининг яна бир хусусияти – ердан самарали фойдаланиш имкониятидир. Эртапишар қарам йиғиб олинган, ушбу майдонларга қовун, пахта, маккажўҳори ва бошқа экин турлари экилади. Шу аснода, йилига икки ёки уч марта ҳосил йиғиб олиш амалиёти кенг қўлланилмоқда.

М. УСМОҲОВА.



ЖЕТИСАЙДА ШАНБАЛИК

“Талмен түлеген туған жер” шиори остида туман миқсиде шанбалик уюштирилиб, унда 2 мингга яқин жетисайликлар иштирок этди. Табиати муҳофаза қилиш ва атроф-муҳит озодлигини таъминлаш мақсадида ўтган шанбаликда давлат муассасалари ходимлари, таълим ташкилотлари жамоалари, ёшлар, кўнгилчилар ҳамда туман аҳолиси иштирок этди.



Санитария тозалаш тадбирлари давомида республика, вилоят ва туман аҳамиятига молик йўллар, боғлар ва хиёбонлар, кўп қаватли уйлар атрофидаги ҳудуд қаттиқ маиший чиқиндилардан тозаланди. Бундан ташқари, туман чиройини очиш мақсадида мингга яқин қарағай кўчатлари ўтказилди. Бу аҳоли манзилларининг экологик ҳолатини яхшилашга ҳисса қўшади.

Ободонлаштириш ишлари тизимли равишда давом этмоқда. Ўтган йили ҳам дам олиш масканларига 27 минг туп арча, манзарали дарахтлар, чинор, қайрағоч, каштан ва бодом кўчатлари ўтказилган эди. Жорий йил якунига қадар туманда яна 30 минг тупга яқин кўчатлар ўтказиш режалаштирилган.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

»» Таҳлил

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: РЕЖАЛАР ВА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР



Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳаси тармоқларини барқарор ривожлантириш вилоятимиз олдида турган устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари Алибек ПЛАЛОВ билан мулоқотда соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, жорий этилган замонавий технологиялар, бу йил кутилаётган ҳосилдорлик кўрсаткичлари ва сув таъминоти масалалари ҳақида суҳбатлашдик. Қуйида ушбу мусохабани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– Хўжаликларнинг баҳорги дала ишларига умумий тайёргарлик даражаси қандай? Асосий захиралар бўйича тақчиллик ҳолатлари борми? Уруғлик, ёнилғи-мойлаш материаллари ва техника таъминоти таъминланганми?

– Вилоятимизда жорий йилда қишлоқ хўжалиги экинлари майдонидан ўтган йилга нисбатан 8 минг гектарга ошиб, 919 минг гектарни ташкил этди (2025 йилда 911 минг гектар). Шу жумладан, баҳорги экинлар – 536 минг гектар, кўзги экинлар – 208 минг гектар, бултурги беда – 175 минг гектарни ташкил этди. Вилоятнинг иқлим хусусиятларини инобатга олган ҳолда, баҳорги дала ишлари январь ойидан бошланди. Бугунги кунда вилоят бўйича ер ҳайдаш ва шўр ювиш ишлари тўлиқ якунланди. Дала ишлари учун ёнилғи-мойлаш материалларини ажратиш, кредит захиралари билан таъминлаш, минерал ўғитларни тақсимлаш ишлари ўз вақтида амалга оширилмоқда. Баҳорги дала ишлари учун жами 52,5 минг тонна имтиёзли ёнилғи ажратилди. Шу жумладан, февраль ойига – 6 минг тонна, март ойига – 19 минг тонна, апрель ойига – 3 минг тонна, май ойига – 13 минг тонна, июнь ойига – 11 минг тоннадан тақсимланди. Хўжаликларга ажратиладиган имтиёзли ёнилғини тарқатувчи ҳудудий операторлар туман ва шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида белгиланиб, дизель ёнилғисини ҳажмлари тасдиқланди. Айни кунда улар томонидан ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш ишлари бошланди. Ёнилғи баҳоси бозор нархидан 15 фоизга арзонлаштирилган.

– Жорий йилда қайси экин турларини экиш режалаштирилган? Ўтган йилга нисбатан экинлар таркибида ўзгаришлар борми?

– Вилоятнинг жанубий туманларида эртагишар сабзавот ва картошка экинларини экиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар режалаштирилган 536 минг гектар майдоннинг

етиштиришни ривожлантиришни субсидиялаш" дастури доирасида субсидия миқдори ҳосилнинг ҳар тоннаси учун 10 минг тенгедан 30 минг тенгегача оширилди. Шунингдек, ушбу дастур доирасида маҳсари экинларини субсидиялаш ҳажми 10 минг тенгедан 25 минг тенгегача оширилди.

– Жорий мавсумда сўғориш масаласи, хўжаликлар ўртасида сув тақсимоти муаммоси қандай ҳал қилинмоқда? Сўғориш тизимларини замонавийлаштириш борасида қандай ишлар амалга ошмоқда?

– Ҳозирги кунда вилоятда умумий ҳажми 8,8 миллиард м³ бўлган 42та сув омбори мавжуд. Жумладан, 16та республика тасарруфида (8293 миллион м³), 22таси коммунал мулк (485,5 миллион м³), 4таси хусусий мулк (98,6 миллион м³). Айни пайтда сув омборларидаги сув ҳажми меъёрида ва ўрта ҳисобда 7,5 миллиард м³ ёки 85 фоизни ташкил этади (бултурги – 6,5 миллиард м³ ёки 74 фоиз). Шу жумладан, асосий иншоотлар бўйича Чордара сув омборининг тўлдирилиши даражаси 5153 миллион м³ ёки 99 фоиз (қирим – 304 м³/с, чиқим – 285 м³/с) бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 563 миллион м³га кўп (2025 йилда 4590 миллион м³). Қўқсарой сув тақсимлагичи ҳажми 1815,20 миллион м³ ёки 60 фоиз бўлиб, 2025 йилнинг шу даврига нисбатан 379,96 миллион м³га кўп (1435,24 миллион м³). Бўген сув омборида (лойиҳавий ҳажми 370 миллион м³) сув тўпланган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 12,23 миллион м³га кўп (ўтган йилда 354,94 миллион м³). Тўлдирилиш даражаси – 99,24 фоиз (қирим – 42,60 м³/с, чиқим – 50,50 м³/с)ни ташкил этган. Ушбу иншоотларга тинимсиз навбатчилик йўлга қўйилган ва доимий мониторинг олиб борилмоқда. Жорий йилда сув омборларида ўтган йилга нисбатан 1 миллиард м³ га

латлардан келади. Трансчегаравий дарёлар орқали 314 минг гектар обикор майдонлар сув билан таъминланади. Сўғориш мавсумини барқарор ўтказиш учун Ҳукумат даражасида назоратни кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган "Дўстлик" магистрал канали ва Сирдарё орқали белгиланган лимитларга мувофиқ, сувни ўз вақтида олишни таъминлаш зарур. 2026 йили сув камайиши эҳтимоли эътиборга олиниб, 3,8 миллион м³ сув лимити тасдиқланган (2025 йил амалда 3,5 миллион м³ ёки 76 фоиз). Ҳозирги кунда сув тақсимловчи ташкилотлар томонидан хўжаликлар билан оқар сув бўйича шартномалар тузиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда электрон тизим орқали 7100та шартнома тузилган.

Вилоятда жами 4096та канал (умумий узунлиги 12 462 қақирим) мавжуд бўлиб, шундан 9,4 минг қақирим ёки 76 фоизи эскирган. Шунингдек, 1256та коллектор-дренаж тизими ва 1794та қудуқ бор.

Ҳар йили вилоят бюджети имкониятларидан келиб чиқиб, сув хўжалигини ривожлантириш учун 5-7 миллиард тенге ажратилади. Бундай молиялаштиришда, ҳатто эскиришни ҳисобга олганда, инфратузилмани тўлиқ тиклаш учун 45-50 йил талаб этилади.

2025 йилда 533,4 қақирим канал механик тозаланди, натижада, 69,8 минг гектар сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Жо-

логиялар жорий этилмоқда. **Биринчидан**, ўтган йили янги усулда 50 минг гектар майдонга пахта экилиб, ҳосилдорлик икки бараварга ошди (гектарига 50-60 центнер). Аънанавий усулда бир гектарга ўртача 5 минг м³ сув сарфланган бўлса, жорий этилган янги технологиялар натижасида сув сарфи 2 баравар камайди.

Пахта ҳосилини йиғиб олиш бўйича сўнги 18 йилда рекорд натижа қайд этилди. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 32 центнерни ташкил этиб, жами 466 минг тонна уруғли пахта терилди. Айрим хўжаликларда ҳосилдорлик гектарига 60 центнергача етди. Жорий йилда ҳам пахта майдонини янги усул асосида кенгайтириш режалаштирилган. **Иккинчидан**, сифатли уруғлар етказиб беришни меъёрлари 1,5-2 баравар оширилди.

Шу муносабат билан, "Инновацион тажрибани тарқатиш ва жорий этиш хизматлари" бюджет дастури доирасида 50 миллион тенге ажратилиб, "Янги Мақтаарал-5027" навининг уруғчилик тизимини ташкил этиш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унинг доирасида ушбу корхонанинг тажриба майдонидagi 20 гектарга, Чордара бўлимида эса 55 гектар ерга "Мақтаарал-5027" навининг элита уруғлари экилди. Лойиҳага кўра, 22,5 тонна суперэлит ва 240 тонна элита уруғлик чигит тайёрланиб (9,6 минг гектарга етарли), бошқа уруғчилик хўжаликлари тарқатилади. **Учинчидан**, сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида қуввати 163 минг гектарни қамраб оладиган 4та корхона ишга туширилди. Бундан ташқари, 2026 йилда қуввати 30 минг гектарни қамраб ола-

Агротузилмалар озукабоб экинлар экиш ва чорвачиликни ривожлантириш учун давлат томонидан мунтазам қўллаб-қувватлаш чоралари кўрсатилмоқда. Хусусан, беда ва маккажўхори учун харид қилинган уруғлик, минерал ўғитлар ҳамда зараркунандаларга қарши қўлланиладиган пестицидлар харajatларининг 50-60 фоизи субсидия қилиб берилади. Шунингдек, агротузилмалар эҳтиёжга мувофиқ имтиёзли ёқилғи-мойлаш материаллари ажратилмоқда.

– Чорвачиликни ривожлантириш, гўшт етиштириш, унинг экспорти, ҳамда «ИГІЛІК» насиялаш дастурининг ижроси борасида қандай тадбирлар амалга оширилиб, қандай натижалар кутилмоқда?

– Вилоят чорвачилик соҳасида республикада етакчи. Минтақада умумий қуввати 157 мингта бошга мўлжалланган, 1000 бошдан зиёд қорамол сифимига эга 90та йирик бўрдоқилаш майдонлари мавжуд.

Жорий йилнинг 12 ойи давомида 158 минг тонна гўшт етиштирилди. Унинг 87 минг тоннаси мол гўшти.

Республика бўйича экспорт қилинадиган мол гўштининг 80 фоизи, қўй гўштининг 75 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Ўтган йили 29,5 минг тонна мол гўшти, 32,1 минг тонна қўй гўшти экспорт қилинди. Наслдор чорва молларини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар бериш режалаштирилмоқда. Бунинг учун жами 300 миллиард тенге маблағ ажратилиши кўзда тутилган.



92 минг гектарга баҳорги экинлар экилди. Жумладан, 28 минг гектар ерга бошоқли донлари, 13 минг гектар – мойбоп экинлар, 24 минг гектар беда, 10 минг гектар – сабзавот, 4 минг гектар – картошка, 13 минг гектар – полиз экинлари экилди. Давлат раҳбарининг топшириғига мувофиқ, ялпи маҳсулот ҳажмини 2 баравар ошириш юзасидан "Йул харитаси" доирасида вилоятда пахта 17 минг гектарга (162 минг гектар), маккажўхори 15 минг гектарга (55,2 минг гектар) маҳсари 16 минг гектарга (85,4 минг гектар) оширилади. Шу билан бирга, сув сарфини камайтириш мақсадида шולי экинлари 7 минг гектарга (3,5 минг гектар) қисқартирилди. Бу борада ўтган йили трансчегаравий дарёларда сув оқими тақчиллиги кузатилгани сабабли, шולי фақат Қизилқум канали бўйлаб экиш режалаштирилмоқда.

Умуман олганда, ҳокимлик томонидан асосий қишлоқ хўжалиги экинлари – маккажўхори ва маҳсари майдонларини кенгайтиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш дастаклари жорий этилган. Жумладан, "Асосий экинлар

кўпроқ сув тўпланиши кутилмоқда. Агар 2025 йилда сўғориш суви лимити 4,6 миллион м³ бўлган бўлса, жорий йилда сув камайиши мўлжали инobatга олиниб, лимит 3,8 миллион м³ ҳажмида (2025 йилда амалда 3,5 миллион м³ ёки 46 фоиз фойдаланилган) тасдиқланди. Жумладан, Сирдарё бўйича – 2065 миллион м³, Келес дарёси бўйича – 667 миллион м³, Арис дарёси бўйича – 801 миллион м³ сув лимити тасдиқланган.

Вилоятимизда жорий йилда қишлоқ хўжалиги экинлари майдонидан 8 минг гектарга оширилиб, 919 минг гектарни ташкил этади (2025 йилда – 911 минг гектар). Оқар сув тақчиллигини бартараф этиш ва трансчегаравий каналларга қарамликни камайтириш мақсадида жорий йилдан эътиборан, ҳар йили 50 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш режалаштирилган.

Натижада, уларнинг умумий майдони 164 минг гектарга етиб, 280,6 миллион м³ сув тежалади.

Таъкидлаш жоизки, вилоят йиллик сув лимитининг 63 фоизи қўшни дав-

диган яна 2та корхона ишга тушириш режалаштирилган. Келгусида ушбу корхоналар ҳисобига қўшни ҳудудларнинг эҳтиёжи ҳам таъминланади.

– Чорвачилик соҳасида кўрсаткичлар қандай?

– Вилоятимиз чорвачилик соҳасини ривожлантиришда республикада етакчи ўринда. Ўтган йили 1 январь ҳолатига кўра, вилоятда қарийб 6 миллион бош жонивор рўйхатга олинган. Жумладан, қорамоллар сони 1,78 миллион бошга етиб, 135,3 фоизга, қўй-эчкилар 4 миллион 368 минг бошга етиб, 101,3 фоиз, йилки сони 475,3 минг бошга етиб, 115,6 фоиз, туялар 39,5 минг бошга етиб, 103,8 фоиз ошган.

Ушбу жониворларни 2025-2026 йиллардаги қишлоқ мавсумини бета-лафот ўтказиш мақсадида вазирик томонидан 5,2 миллион тонна чорва озукасини тайёрлаш режаси тасдиқланган.

Ҳозирги кунда минтақадаги агротузилмаларни озукабоб бугдой билан таъминлаш вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва «ALTYN NAN» МЧБ ўртасида тузилган шартнома асосида давом этмоқда. Жамият томонидан озукабоб бугдой бозор нархидан 20-30 фоиз арзонлаштирилиб, 1 кг 90 тенгедан бевосита етказиб берилмоқда.

Режага кўра, озукабоб бугдой Тупкибош темирйўл станциясига етказилиб, у ердан «ALTYN NAN» орқали туман ва шаҳарларга тақсимланди. Жумладан, Сўзоқ туманига – 221 тонна, Байдибек туманига – 251,7 тонна, Тўлебий туманига – 259,2 тонна, Тупкибош туманига –124,6 тонна, Арис шаҳрига – 23,5 тонна ва Ўтрор туманига –30 тонна озукабоб бугдой тарқатилди.

Бугунги кунга қадар минтақа бўйича жами 225та деҳқон хўжалиги 910 тонна озукавий бугдой билан таъминланди.

Чорвачилик соҳасининг айланма маблағларини тўлдириш учун йиллик фоиз ставкаси 5 фоиздан ошмайдиган кредитлаш дастури (республика бўйича) қабул қилинган. Бунинг учун 225 миллиард тенге маблағ ажратилган.

Чорвачилик соҳасини мажмуавий ривожлантириш доирасида 2030 йилга қадар қуйидаги натижаларга эришиш режалаштирилмоқда: қорамол сони 1,5 бараварга, қўй-эчки 1,4 бараварга, йилкилар 1,5 бараварга, туялар 1,3 бараварга оширилади. Гўшт етиштириш ҳажми 130,4 минг тоннадан 206,7 минг тоннагача, сут эса 128,7 минг тоннадан 161 минг тоннагача оширилиши режалаштирилган.

Гўшт экспорти ҳажмини 62 минг тоннадан 132 минг тоннагача, яъни 2 баравар ошириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатига киритилган мол гўшти нархини барқарорлаштириш мақсадида "Магнум" сарвдо тармоғи ва вилоятдаги 22та хўжалик ўртасида уч томонлама меморандум имзоланди. Унга кўра, ҳар ҳафта 5 тонна мол гўшти белгиланган нархда (3200 тенге) сотува чиқарилмоқда.

Шунингдек, ҳар жума кунлари шаҳарда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ярмаркаси ташкил этилиб, аҳолига нисбатан арзон нархларда мол гўшти сотилмоқда.

Ўтган йили ҚР Бош вазирининг ўринбосари – Миллий иқтисодиёт вазири С. Жуманғарин раислигида ўтган йиғилишда 2025 йил 31 декабрга қадар мол гўшти экспортга вақтинча чеклов жорий этилди. Ушбу чора ички бозорни барқарорлаштириш ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида амалга оширилди. Мол гўштини экспорт қилишга рухсат бериш учун камида 5000 бош қорамолга мўлжалланган бўрдоқилаш майдонига, гўштини қайта ишлаш хусусий корхонаси (гўшт комбинати)га эга бўлиб, тегишли ташқи иқтисодий шартномалар мавжуд бўлиши керак.

– Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат!

М. САЪДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.



Қозоғистон замини – асрлар оша бирлик, дўстлик ва аҳилликнинг бебаҳо бешиги бўлиб келган улғу маскан. Бу кенг ва бепоён дашт бағрида турли миллат ва элатлар тақдири туташди, хилма-хил маданиятлар ва анъаналар ўзаро уйғунлашиб, бир бутун маънавий муҳитни шакллантирди. Ана шу бебаҳо қадриятларни асраб-авайлаш йўлида, 1995 йилда Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилди. Бу қарор мамлакат келажагини тинчлик ва барқарорлик пойдеворида барпо этишга қаратилган улкан стратегик қадам эди.

Утган давр мобайнида ушбу ташаббуснинг узоқни кўзлаган, оқилона қарор бўлганини вақтнинг ўзи исботлади. Ассамблея мамлакатдаги миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам устунига айланди. Унинг фаолияти бирдамлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашга, мамлакатнинг ички сиёсий барқарорлиги ва иқтисодий юксалишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Халқимизда “Бараканинг боши – бирлик” деган ҳикмат бор. Ушбу ибора асрлар давомида турли миллат ва элатларни бағрига сиғдирган, тинчлик ва ҳамжиҳатликни ҳаёт мезонига айлантирган халқнинг моҳиятини ифода этади. Қозоғистон кўп миллатли жамиятни бебаҳо бойлик, тараққиёт ва юксалишнинг мустаҳкам пойдевори деб билади.

Бугунги кунда мамлакатда 100дан зиёд этнос вакиллари ягона оиладек яшаб, ягона мақсад йўлида елкадош бўлиб меҳнат қилмоқда. Буюк Дашт асрлар давомида тақдир синовлари билан келган кўплаб халқлар учун қутлуғ масканга айланди. Улар бу юртини ўз Ватани деб билмоқда ва унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Тарихнинг оғир ва синовли паллаларида турли юртлардан келган инсонларни четга сурмаган, ақсинча, бағрига босиб, нонини баҳам кўрган халқ бугун ана шу бирлик ва меҳр-оқибат самарасини кўрмоқда.

Қозоғистон халқи Ассамблеяси ана шу тотувлик ва бирдамликни янада мустаҳкамлаш, миллатлараро ҳамжиҳатликни изчил ривожлантиришда бекиёс аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, у жамиятда тинчлик ва барқарорликни фақат широрларда эмас, балки аниқ амалий ишлар орқали таъминлаб келаётгани билан эътиборлидир. Ассамблея ташкил этилганидан буён мамлакатда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган минглаб лойиҳа ва ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилди.

Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташаббуси билан маданият ва таълим соҳаларида қатор муҳим дастурлар ҳаётга татбиқ этилди. Ҳар бир этнос ўз тили ва анъаналарини асраб-авайлаш ҳолда, давлат тилини ва умуммиллий қадриятларни қалбига синдириши – юрт биллигини мустаҳкамлаш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатда кўплаб этномаданият бирлашмалари самарали фаолият юритиб, ҳар бир

Қозоғистон – ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МАКОНИ



миллатнинг бой маданий меросини тарғиб этиш, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу бирлашмалар фақат муайян этнос қадриятларини намоёниш этиш билан чекланиб қолмай, балки турли халқларнинг яқинлашуви, умумий мақсадлар йўлида бирлашишига кенг йўл очмоқда.

Шу билан бирга, Ассамблея доирасида амалга оширилаётган хайрия ва ижтимоий лойиҳалар ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Қозоғистондаги турли этнос вакиллари нафақат маданият ва тил соҳасида, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ҳам фаол иштирок этмоқда. Турли этномаданият бирлашмалар ташаббуси билан амалга оширилаётган ижтимоий дастурлар орқали эҳтиёжманд аҳоли қатламлариغا амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу эса халқлар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва умумий келажакка бўлган ишончнинг ёрқин ифодасидир.

Ассамблеянинг яна бир муҳим йўналиши – ёшлар тарбиясига қаратилган ишлардир. Ёш авлод қалбига бағрикенглик, тинчлик ва дўстлик ғояларини синдириши – келажақ барқарорлиги ва фаровонлигининг мустаҳкам кафолатидир. Шу мақ-

садда Ассамблея қошида турли ёшлар ташкилотлари фаолият юритиб, уларнинг ташаббускорлиги йил сайин ортиб бормоқда. Ёшлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва миллий ўзликини аниқлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатда турли этнос вакиллари ўз маданияти ва анъаналарини эркин ривожлантириши учун барча шароитлар яратилган. Шу билан бирга, уларни умумий қадриятлар – давлат тили, миллий ўзлик ва муштарак тарихий тақдир бирлаштириб турибди.

Қозоғистоннинг бугунги ютуқлари – мамлакат аҳолисининг ўзаро ишончи ва ҳамкорлиги самарасидир. Тотувликни олий қадрият деб билган юртдаги барқарорлик ва тараққиёт бардавом бўлади. Қозоғистон халқи Ассамблеяси этносларни бирлаштирувчи тузилма сифатида мамлакатдаги тинчлик, тотувлик ва порлоқ келажакка ишончнинг мустаҳкам таянчидир.

Бирлиги мустаҳкам халқнинг келажаги ҳам, албатта, ёрқин бўлади. Бугун Қозоғистон жаҳон ҳамжамиятига бирлик ва ҳамжиҳатликнинг ўзига хос, ибратли моделини намоён этмоқда. Ўзаро ҳурмат, ишонч ва тотувликка асосланган ушбу тамойиллар эса мамлакатнинг барқарор тараққиёти ва “Мангу эл” ғоясининг мустаҳкам пойдевори сифатида хизмат қилаётгани шубҳасиз.

Мухтасар қилиб айтганда, Қозоғистон – бутун дунёга тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг ёрқин намунасини намоён этган давлатдир. Мамлакатдаги миллатлараро келишув ва барқарорлик сиёсати бугун халқаро майдонда ҳам кенг эътироф этилмоқда, хорижий экспертлар ва нуфузли ташкилотлар томонидан юксак баҳоланмоқда. БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ каби халқаро тузилмалар Қозоғистон тажрибасини тинчликни асрашга интилган мамлакатлар учун ибрат сифатида кўрмоқда. Бу эса миллатлараро тотувлик ва бирликни мустаҳкамлашга қаратилган пухта сиёсат, Қозоғистон

танишмоқда, балки уни ўз ҳаётининг ажралмас қисмига айлантирмоқда. Бу жараён жамиятда ўзаро ҳурмат ва ишонччи янада мустаҳкамлаб, барча миллат вакиллариининг Қозоғистонни умумий уйи сифатида ҳис этишига замин яратмоқда.

Ассамблея ташаббуси билан ўтказилаётган маданий тадбирлар, таълим дастурлари, илмий лойиҳалар ва анжуманлар миллатлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Айниқса, мамлакатдаги “Дўстлик уйлари” турли этнос вакиллариини бирлаштирувчи муҳим мулоқот майдонига айланди. Бу масканларда халқлар ўз маданияти ва тарихини намоён этиш баробарида, қозоқ халқининг бой маънавий мероси билан ҳам яқиндан танишмоқда.

Шунингдек, Қозоғистоннинг миллатлараро тотувлик борасидаги тажрибаси ёшлар ўртасида ҳам кенг тарғиб этилмоқда. Зеро, юрт келажаги – ёш авлоднинг бирлик ва ҳамжиҳатлик қадриятларини англаб, уни ўз ҳаётий тамойилига айлантира олишига боғлиқдир.

Ушбу эзгу мақсадлар йўлида Қозоғистон халқи Ассамблеяси қошида ёшлар ҳаракатлари ташкил этилиб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга қаратилган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу ташаббуслар орқали ёш авлод қалбига фуқаролик масъулияти, ватанпарварлик ва баррикенглик туйғулари мустаҳкамланмоқда.

Қозоғистоннинг миллатлараро тотувлик сиёсати – мамлакат келажагига қўйилган мустаҳкам пойдевордир. Ассамблея фаолияти туфайли ҳар бир фуқаро ўз миллати ва динини асраб-авайлаш ҳолда, ўзини ягона қозоқ жамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этиш имконига эга бўлмоқда. Бу эса юртнинг энг катта ютуғи, тинчлик ва барқарорликнинг ҳақиқий кафолатидир.

Утган 31 йил тарих мезонидан унчалик узоқ давр бўлмаслиги мумкин. Бироқ айнан шу қисқа муддат ичида Қозоғистон ўзининг энг катта бойлиги – халқ бирлиги ва аҳиллигини асраб, тараққиётнинг равои йўлига чиқа олди. Мамлакат ривожини, жамиятдаги барқарорлик – айнан ана шу бирлик ва келишувнинг самарасидир.

Бугун ўтган йилларга назар ташлар эканмиз, Қозоғистон халқи Ассамблеясининг юрт келажаги учун нақадар улкан ва бекиёс аҳамият касб этганини янада чуқур англаймиз. Ҳали пайтда, бу фақат бошлиниши. Янон. Келгуси йилларда ҳам Ассамблея ўз зиммасига юклатилган вазифаларни шараф билан адо этиб, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига ишончимиз комил.

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ,
Қозоғистон Журналистлар
уйшмаси аъзоси.

Эл бирлиги доктринаси

Қозоғистон халқи Ассамблеяси марказий ва маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда ноҳукумат ташкилотларини жалб қилган ҳолда мамлакатда тотувлик ва умуммиллий бирликни мустаҳкамлаш борасида фаолият юритмоқда. Мустақилликнинг 35 йилли мобайнида қонунчилик, давлат бошқаруви ва ижтимоий тизими бу йўналишда самарали фаолият юритмоқда. Бу жараён “Эл бирлиги доктринаси”, ҚХАнинг тараққиёт концепцияси ҳамда жамиятнинг умумий ривожланиш жараёнида ўз ифодасини топди.

Қисқа муддатда амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар натижасида мамлакат сиёсий тизимида муҳим ўзгаришлар юз берди. Давлат бошқаруви жамият талабларига мослаштирилди, фуқароларга қарорлар қабул қилишда тўғридан-тўғри иштирок этиш имконияти яратилди.

“Сўнги беш йил давомида амалга оширилган ислохотлар – фуқароларнинг асосий талаблари ва давлатнинг узоқ муддатли манфаатлари асосида ишлаб чиқилган стратегиядир. Асосий сиёсий ислохотлар яқунланди. Бунинг натижасида асосий сиёсий тузилмалар, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанат ва назорат тизими мустаҳкамланди. Энг муҳими – фуқароларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш имконияти сезиларли даражада ошди”, деган эди Давлат раҳбари “Ана тили” газетасига берган мушоҳабасида.

Сиёсий ислохотларда ҚХАнинг роли ҳам назарда тутилди. Янги тараққиёт босқичида сиёсий тизимлар ва давлат бошқарувини ислоҳ қилиш орқали жамиятнинг қадриятлар тизими ва умумий онги ривожланмоқда. Шу нуқтаи назардан, барча этник гуруҳлар, этномаданият бирлашмалари Ассамблеянинг бу ўзгаришларда фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга.

МИНТАҚАВИЙ ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ



Ҳозирги кунда ҚХАнинг тақлифига мувофиқ, Президент тайинлайдиган Сенатнинг 5 депутати ассамблеяни ифодалаувчи орган сифатида қонунчилик даражасида боғлаш, жамоат назоратини таъминлаш вазифасини олиб боришмоқда.

Парламентда “Ягона эл – ягона

манфаат” номли депутатлик гуруҳи фаолият юритмоқда. Унинг хусусияти шундаки, Ассамблея депутатларининг этник гуруҳларнинг манфаатларини ифодалаувчи орган сифатида қонунчилик даражасида боғлаш, жамоат назоратини таъминлаш вазифасини олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, Қозоғистон халқи маданияти ва тилини тарғиб қилувчи фуқаролик ва маънавий-маърифий жамоатчилик асосида мамлакат этнослари бирлаштирилади. Шу орқали фуқароларда ватанпарварлик ва бирлик ҳисси ривожлантирилади.

ТУРКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

Қозоғистон тараққиётининг энг асосий пойдевори – халқнинг бирлиги ва миллатлараро ҳамжиҳатликдир. Мустақиллик йилларида азалий қондошлик ва бирдамлик анъаналари қайта тикланди. Бу – ота-боболар орзуси – Туркистон бирлиги – ҳозирги авлодлар қалбига янги йўналишга айланмоқда. Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг “Туркистон – умумий уйимиз” ғояси минтақадаги халқлар томонидан қўллаб-қувватланиб, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамламоқда.

2010 йилда қабул қилинган “Эл бирлиги доктринаси” қонун устуворлиги ва барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлайди, миллатлараро ҳамжиҳатлик, маданий ва маънавий қадриятларни асраб-авайлашни назарда тутди. Қозоғистон халқи Ассамблеяси ва этномаданият бирлашмалар бу йўналишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ички бирликни мустаҳкамлаш билан бирга қўшни давлатлар билан маданий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ҳам ривожлантиришга хизмат қилади.

Тарихдан маълумки, Туркистон илмий, маънавий ва маданий марказ сифатида дунёда эътироф этилган. Буюк

аждодаларимиз халқларимиз ўртасида ягона пойдеворни – умумий тил, дин ва бозор асосида – шакллантирган. Бугунги кунда ҳам миллий қадриятлар ва маънавий тараққиёт шу пойдеворни мустаҳкамламоқда.

Ҳар бир фуқаро ўзлигини эркин намоён қилади, тил, маданият ва таълим соҳасида тенг имкониятларга эга бўлади. Шу билан бирга, минтақавий ҳамкорлик ва қўшни давлатлар билан ҳамкорликда барқарор тараққиёт рамзи сифатида дунёга танилмоқда. Ҳар бир маънавий саъй-ҳаракат ва инсонпарварлик қадами бу гўшани янада обод ва гўзал маконга айлантиради.

Туркистон – умумий уйимиз. Бу уй миллий бирлик, минтақавий ҳамжиҳатлик ва қўшни давлатлар билан ҳамкорликда барқарор тараққиёт рамзи сифатида дунёга танилмоқда. Ҳар бир маънавий саъй-ҳаракат ва инсонпарварлик қадами бу гўшани янада обод ва гўзал маконга айлантиради.

Бирлик – тараққиёт қалити. Қозоғистоннинг қудратли ва барқарор бўлиши, ҳар бир фуқаронинг бахтли келажаги ҳамжиҳатликка боғлиқ. “Эл бирлиги доктринаси” барча қозоғистонликлар учун ягона мақсадни белгилайди: мустақил, фаровон ва юксак маданиятли Қозоғистонни барпо этиш.

А. АБДУФАТҲОҶ.

ШОДЛИК УЛАШГАН ТАДБИР

Жорий йил “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий сиёсий газетасининг 35 йиллиги муносабати билан “35 йилликка – 35та тadbир” режаси асосида йил бошидан буюн турли тadbирлар амалга оширилмоқда. Кунги кеча Туркистон шаҳрида кам таъминланган оилалар аъзолари ва имконияти чекланган ўсмирлар учун байрам дастурхони ёзилди, 100га яқин она ва болаларга совғалар тарқатилди.

Хайрли тadbирда Туркистон шаҳар УЭМБ раиси Райимжон Қўчқоров, бирлашма қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Тўлқин Саидмуродов, “Жанубий Қозоғистон” газетаси бош муҳаррири Райимжон Алибоев, вилоят ҳоқими матбуот хизмати бош йўриқчиси Фабиат Сапарбек, вилоят ижтимоий тотувлик бошқармаси “Жамоат тотувлиги” ДКК раҳбари Уринбосари Ерназар Баевтов, “Индира” балиқ маркази раҳбари Муборак Отахонова ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этиб, эзгу тилакларини изҳор этишди.

– Бугунги хайрия тadbири – “Индира” балиқ маркази, “Асанов” савдо уйи ҳамда вилоят УЭМБ ташаббуси ила ўтказилмоқда. Шунингдек, айни кунларда Туркистон, Жамбил вилоятлари ва Шимкент шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида “Муствақиллик – ифтихорим, келажаким!” мавзусида республика эссе танловининг саралаш босқичлари ўтмоқда. Режа доирасида амалга ошириладиган ишлар серб, голяризмизни жамоа билан ҳамжиҳатликда амалга оширамиз, – деди Райимжон Ортиқбой ўғли.

Таъкидлаш жоизки, шу вақтга қадар, юбилей доирасида УЭМБ вакиллари ўртасида вилоят шахмат турнири, туркий дунёга муштарак мутафаккир Алишер Навоийнинг 585 йиллигига бағишланган халқаро “Навоий ўқувлари” танлови ўтказилди. Шунингдек, муборак Рамазон ойида Сайрам, Саврон туман босқичлари ўтмоқда. Режа доирасида амалга ошириладиган ишлар серб, голяризмизни жамоа билан ҳамжиҳатликда амалга оширамиз, – деди Райимжон Ортиқбой ўғли.

“Жанубий Қозоғистон” муҳбири.



МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

“Нарзулла ота Йўлдошев (тасвирда) Туркистонда яшайди. Лекин уни тез-тез Чимкент Марказий бозорида ҳам учратиб қоласиз. Отагон авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган заргарлик касбини ардоқлайди. Уйда билак-узук, болдоқ-зирақ, узук, мунчоқ каби тақинчоқларни тайёрлаб, харидорга тақдим этади...”

“Заргар”. А. Рўзиматов. “Дўстлик байроғи”, 1993 йил, №31, 27 апрель.

“Машҳур табиб Ўсарқул Ирискуловнинг шу йилнинг иккинчи ярмига 1000 кишини обуна қилиш тўғрисидаги ташаббусини чуқур қониқиш билан ўқидим. Балли, халқ ўғлони деб шу кишини айтса бўлади.

Ҳозир обуна авжида. “Дўстлик байроғи” 730 сўм бўлибди. Бу озми ёки кўпми? Аминманки, ҳозир шу савол кўпчиликини ўйлантиради.

Келинг, биз ҳам биргаликда ўйлаб кўрайлик. 730 сўмга сиз ярим йил бадалади вилоят янгилликлари ҳамда ойна-яхон дастури билан танишасиз...”

“Кўлаб-қувватлаймиз”. Султон Бобохон. “Дўстлик байроғи”, 1993 йил, №31, 27 апрель.

“Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган текширув натижасида турли мулк кўринишларига мансуб банкларда мавжуд қонунчилик талабларига, жумладан, нақд пул бериш борасида риоа этмаслик ҳоллари аниқланди. Нақд пул тақчиллигининг объектив сабаблари билан бирга банклар фаолиятидаги қонунбузарликлар ҳам муаммони чуқурлаштирмоқда.

Жумладан, фуқароларга маош, нафақа, бошқа кафолатланган тўловларни етказиб бериш учун нақд пул етишмаётган бир вақтда баъзи бир банкирлар уни тижорат тузилмаларига тарқатиш билан банд...”

“Нақд пул кимнинг ҳамёнида?”. С. Попов. “Дўстлик байроғи”, 1993 йил, №48, 7 июль.

“Қаерда ишламайн, менга касбим тинчлик бермас, халқимизнинг неча йиллик армони яна кўлга қалам олишга даъват етарди.

Жанубийқозоғистонлик ўзбекларнинг ягона нияти 55 йил бурун ёпилиб қолган вилоят рўномасини тирилтириш эди. Аввалги илтимослар энди вилоят миқёсида қанот ёя бошлади.

Масковга жўнатилган аризаларимиз ҳисобини ҳеч ким юритган эмас. Шулардан бири эса эсимда яхши сақланиб қолган.

Ҳамқишлоқ дўстларимдан бири ҳарбийда хизмат қилаётган эгизак укаларини кўриб келгани Масковга отланаётиб, бизниккига бош суқди...”

“Касбим журналист”. Ҳавазмат Қўчқоров. “Дўстлик байроғи”, 1993 йил, №48, 7 июль.

“Ривоят қилишларича, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган халқ бошига кулфат тушиб, ёғиллар бостириб келишган экан. Саросимага тушган халқ имкони борича душманга қаршилик кўрсатиб курашибди. Бироқ аскарлари сон жиҳатидан устун босқинчиларнинг қўли баланд келиб, маҳаллий халқ чекинишга мажбур бўлибди. Уларнинг омон қолган қисми дашту биёбонларга қочиб, жон сақлабди. Шундай кунларнинг бирида элбошининг кўзига уфқ томонда она бўри кўринибди. У ҳайрон бўлиб, юртдошларини қақирғунича ҳалиги бўри кўздан ғойиб бўлган эмиш. Эртаси кун мана шу воқеа яна такрорланибди. Элбоши юрт аскарларига маслаҳат солади ва улар бу она бўри халқни нажотга чорловчи ҳилқат эканини англаб, унинг изидан юради. Натижада улар омон қолишган экан...”

“Элимиз тарихи муқаддас”. З. Мўминжонов. “Дўстлик байроғи”, 1993 йил, №48, 7 июль.

“Ҳўжалик юритишининг самарали усулларидан бири сифатида муҳим ўрин эгаллаган деҳқон (фермер) ҳўжаликлари бугунги кунда жумҳурият қишлоқ иқтисодиётида катта аҳамият касб этмоқда. Деҳқон ҳўжаликлари ҳаракатини энди тўхтатиб бўлмайди ҳам. Жорий йилнинг 1 апрелигача бўлган маълумотларга қараганда вилоятда 3200 деҳқон ҳўжалиги, уларнинг 2 асоссита-сиялашган бирлашмалари мавжуд...”

“Деҳқон ҳўжаликлари – аҳвол қандай?”. М. Содиков. З. Мўминжонов. “Дўстлик байроғи”, 1993 йил, №40, 4 июнь.

“Ҳаёт шошқин, ҳаёт оқар сув. Инсон қисқа фурсатли умри давомида яхшилик қилиб қолишга улгуриши керак. Айниқса – аёлларга. Фурсатдан фойдаланиб, қишлоқ аёлининг, аникроги, колхозчи аёлининг машаққатли турмуш тарзини таҳлил қилсақ, ҳеч кимга малол келмас. У шахс сифатида борган сайин тубанликка юз тутмоқда. У гўё фақат меҳнат учун туғилган, ҳатто норасида фарзанди тарбиясига берилган уч йиллик ҳордиқ имкониятидан тўлиқ фойдаланишга сабри чидамайди. Даласига талпинади. Нега? Эҳтимол муҳит мажбурлаётганлиги турмуш даражаси пастлиги туфайлидир?...”

“Кўзни очайлик, эркаклар!”. Жўра Алмисоқ. “Дўстлик байроғи”, 1993 йил, №40, 4 июнь.

САҲНАДА ЯНГИ ТАҚДИМОТ

Қоқоқ драматурги Рақимжан Ўтарбаевнинг “Муҳаббат минораси” пьесаси асосида саҳналаштирилган спектакль тақдимоти Шимкент шаҳар ўзбек драма театрида ўтди.



Томошабинлар спектаклни улкан қизиқиш билан томоша қилиб, театр жамоаси маҳоратига юксак баҳо беришди. Спектакль режиссёри – Фархатбек Канафин. У асарни

замонавий режиссёрлик маҳорати билан саҳналаштириш ва мазмун жиҳатидан янги талқинни тақдим этди. Спектаклни юксак бадиий даражасига етказишда актёрларнинг касбий

маҳорати ва саҳна уйғунлиги ҳисса қўшди.

“Муҳаббат минораси” спектаклида севги, садоқат, адолат, хиёнат ва мартаба каби ахлоқий қадриятлар кенг ёритилган. Спектакль қаҳрамонларнинг ички дунёсини ёритиб, руҳий кечинмаларини ўзига хос услубда баён этади ва жамиятдаги ахлоқий муаммоларни бадиий тарзда тасвирлайди.

Премьера якунида томошабинлар театр жамоасига миннатдорчилик билдирдилар. Асар миллий драматургия тараққиётига ҳисса қўшадиган юксак бадиий даражадаги асарлардан бири бўлди.

М. УСМОНОВА.

Обуначиларимиз орасида



Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Сиздиқ Пирметов раҳбарлик қилаётган Ясси қишлоқ округида меҳнати, жамоат ишларидаги фаоллиги билан танилган фахрийлар бисёр.

ЯССИ ҚИШЛОҒИНИНГ ЯХШИ ИНСОНЛАРИ

Хусусан, ўтган йили 70 ёшни қаршилаган меҳнат фахрийси Султонбой Ирисбекули шулар жумласидан. Қишлоқ аҳли номидан ташаббус кўтарган фаол обуначимиз, 4-сонли умумтаълим мактаби директори Уринбосари Султонхон Ўразметов тавсияси асосида Райимжон Қўчқоров раҳбарлигидаги вилоят “Улес” хайрия жамғармаси С.Ирисбекулини “Ибратли фуқаро” кўкрак нишони билан тақдирлади. Мукофотни қишлоқ округи ҳокими Сиздиқ Пирметов қишлоқ фаоллари йиғинида тантанали тақдим этди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Султонбой Ирисбекулини (чапдан биринчи) ҳамқишлоқлари муборакбод этишди.

Бугуннинг мавзуси

ИБОЛИ КЕЛИН – ОИЛА КЎРКИ



ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИГА БАРЧАМИЗ ВА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Халқимиз азалдан оилани муқаддас кўрган, жамиятнинг асосий бўғини деб билган. Унинг файзи, таровати ва мустаҳкамлиги эса кўп жиҳатдан шу хонадонга келган келиннинг одоб-ахлоқи ва эътиқодидан келиб чиқади. Жамият қандай бўлиши оилаларга боғлиқ. Оиладаги муҳит, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва тарбия жамият келажакни белгилайди ва айниқса, келиннинг тарбияси, одоби ва фазилатлари бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга. Қиз болани келинликка тайёрлаш оналар зиммасидадир.

Иболи келин одоби, камтар, ҳаёли ва сабрли бўлади. У ўзини тутушни билади, ҳар бир сўзини ўйлаб гапирди катталарга ҳурмат кўрсатади, уларнинг олдида ўзини одоб билан тутайди. Қайнона ва қайнотага эҳтиром билан муносабатда бўлиб, уларнинг дуосини олишга ҳаракат қилади.

Иболи келиннинг энг муҳим фазилатларидан бири – сабр-тоқатдир. Ҳаётда турли синовлар бўлади. Баъзида тушунмовчиликлар, қийинчиликлар учрайди. Ана шундай пайтларда у сабр билан вазиятни тинч йўл ила ҳал қилишга ҳаракат қилади. Ҳаёли келин хонадонда тозалик ва тартибни сақлайди, озода ва саришта бўлади. Иболи келин болалар тарбиясида ҳам муҳим ўрин тутайди. У фарзандларга яхши одоб, катталарга ҳурмат, кичикларга меҳр кўрсатишни ўргатади. Чунки, фарзанд тарбияси аввало, онандан бошланади. Она қандай бўлса, фарзанд ҳам шундай тарбия топади. Минг афсуски, ҳозирги кунда миллий қадриятларимиздан бе-хабар, Европага тақлид қилиб, ўзининг келинлик вазифасини қуллик, деб ҳисоблайдиган, нафақат қайнонага, балки келин бўлиб тушган авлодга ҳурматсизлик кўрсатаётганлар ҳам йўқ эмас.

Статистика маълумотларига кўра, мамлакатимизда янгидан қурилган оилалар орасида ажралиш ҳоллари кўпаймоқда. Уртача ҳар юзта янги оиланинг ўттиз – қирқ фоизининг қисмати турли сабабларга кўра, ажралиш билан якунланмоқда. Бундай фожиага чек қўйиш фақат тарбия, тушунтириш, яхши келинларнинг иш тажрибасини тарғиб қилиш орқали амалга оширилади.

Ҳурматли ҳамқишлоқ устозим, шоира Барно Қарноқли қаламига мансуб, қайнона-келину муносабатларига оид куйидаги долзарб шеърини сатрлари аҳамиятли.

*Қилингу дуо, келинни бир алқаб қўйинг,
Жаҳлингизни бир сафарга сақлаб қўйинг,
Унгу сўнгуга қоқилмасин, ёқлаб қўйинг,
Мақтаб қўйинг, эрисин келиннингиз.
Синов битган, мана у келиннингиз,
Ойда, йилда кўриб ё кўрмаймиз биз,
Қизингизнинг ўрнида кўринг-да сиз,
Мақтаб қўйинг, эрисин келиннингиз.
Келин бўлмоқ имтиҳондир қизга юққан,
Қайноналар ана шундай жойдан чиққан,
Ўқиганни не қиламиз, бўлсин уққан,
Мақтаб қўйинг, эрисин келиннингиз.
Яхши сўзга кимлар задо бўлмаган,
Ёмон сўздан йўқ паймона тулмаган,
Кунларингиз бўлмасин ҳеч қулмаган,
Мақтаб қўйинг, эрисин келиннингиз!*

...Иболи келин нафақат хонадоннинг гўзаллиги, балки келажак авлоднинг илк мураббийсидир. Шу боис, қизларимизни одоб-ҳаё руҳида тарбиялаш халқимизнинг келажакни мустаҳкамлаш демакдир. Оила мустаҳкамлигини таъминлаш барчамиз ва ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиздир.

**Камола МАМАДАЛИЕВА,
“Чоштепа” умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

“...Кенг ва ёруғ синфхонада ҳуқуқшунослик фани бўйича навбатдаги машғулот бормоқда. Ўқитувчи Абдимўмин Мажидов “Ота-она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ҳамда бурчлари” мавзусида ҳамкорлик дarsи ўтмоқда.

Ҳамкорлик дейишимизнинг боиси – А. Мажидов машғулотнинг мазмундорлигини ошириш учун қишлоқ имоми Абдулҳақ Зариф ўғлини таклиф қилган. Ўқувчилар бир мавзунини икки томонлама – ҳам диний, ҳам замонавий дарсликлар тимсолида ўрганиш имконига эга бўлишади. Оила, никоҳ, бурч ва ҳуқуқ масалаларида диний таълимот кўп жиҳатлари билан замонавий дарслик мазмунига мувофиқ келади. Улар бир-бирини тўлдирдилар, мукамаллаштирадилар...”

“Ижодий изланиш – давр талаби”. М. Али. “Дўстлик байроғи”, 1993 йил, №40, 4 июнь.

“Диққат қилган бўлсангиз, кейинги пайтларда журналистикамизда – Эссе жанрига эътибор биров кучайди. Ҳаттоки, эсселар жамланган китоблар ҳам нашр қилина бошланди. Масалан, Муҳаммад Солиҳнинг “Кўзи тийран дард” китоби ҳам шулар жумласига қиради. Шоир асарларининг мавзу ҳақида йўналишини умумлаштириб, эссе деб номлайди. Эссенинг ўзи нима? “Адабиётшунослик атамалари луғати”да унга қуйидагича таъриф берилган: “Эссе – эркин композицияга эга, жузъий мавзуларда шахсий мулоҳаза ва қарашларни ифодаловчи, унчалик катта бўлмаган асар. Эсседа адабиётшуносликнинг турли соҳаларидаги даъво ва хулосаларидан фойдаланиш орқали муаллиф ўзининг шахсий қарашларини далиллашга интилади ва ҳоқазо...”

“Эссе ҳақида эссе ёхуд адабиётимизнинг баъзи қирралари ҳақида мулоҳазалар”. Ёдгор Латиф ўғли. “Дўстлик байроғи”, 1993 йил, №40, 4 июнь.

“Туркистон туманидаги 8-механизацияланган кўча колоннанинг кўп миллилатли аҳил жамоаси ўтган йили ўттиз йиллигини нишонлади. Дарҳақиқат, “Сув келтирган элда азия” деб бежиз айтилмаган. Мазкур ташкилот тарихи ва ютуқлари жамиятимиз тараққиёти билан ҳафнафас ва ҳамқадам. У 1962 йил апрел ойида ташкил этилиб, биринчи навбатда Арис–Туркистон каналлини бунёд этиш, Туркистон заминига, қақраган далаларга сув олиб келиш билан танилди. Дастлабки йилларда бажариладиган ишлар кўлами 1 млн сўмдан зиёдроқ бўлса, сўнгги йилларда ундан уч баравар зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилди...”

“Сув келтирган элда азия”. Эрнатар Рўзиматов. “Дўстлик байроғи”, 1993 йил, №56, 4 август.

“Нақлиёт (транспорт) турларининг кун сайин кўпайиши туфайли йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш вилоятимизда ўта оғир муаммага айланиб бормоқда.

Вилоят суди ҳайъати халқ судларининг нақлиётга алоқадор жиноий ишларини қўриш тажрибаларини хулосалашда ана шу масалаларга кўпроқ эътибор қаратди. Вилоят адлия бошқармаси бошлиги муовини К. Утешова билан вилоят суди аъзоси З. Перниёзовнинг маҳаллий судларидан кўрилган нақлиётга алоқадор жиноий ишлар бўйича маълумотларидан воқиф бўлгач, “аттанг” дейишдан ўзга чора қолмади...”

“Нақлиёт – кундалик эҳтиёж”. Давлат Исабек ўғли. “Дўстлик байроғи”, 1993 йил, №81, 3 ноябрь.

“Халқимиз “отанг – бозор, онанг – бозор” деб бежиз айтмаган кўринади. Ҳарқалай, бугунги кунда одамларимизнинг қарийб етмиш фоизи бозорга ўралашиб қолганлиги, давр, шароит нуқтаи назаридан ҳеч қандай лоф эмас. Бундан бир неча йиллар илгари ўзларига керакли эҳтиёж молларини давлат дўконларидан излаган саросар одамлар эндиликда бирор нарса олиш ниятида бўлса, сахармардондан бозорга чопишади. Боиси, бозордаги нарх-наво дўконлардан анча паст, олгир савдогар халқи эҳтиёж молларини ковак-касмаклардан топиб келтиради, буни билмадиму, лекин барибир юқоридаги давлат дўконлари ва бозор нарх-навосини ўзаро муқояса қилиб, уларга ташаккур билдиринг келади...”

“Бозор, бозордан озор”. И. Ҳуккиев. Ёдгор Латиф ўғли. “Дўстлик байроғи”, 1993 йил, №81, 3 ноябрь.

“Чимкентда ҳам хусусийлаштиришнинг дастлабки “қаҳрамон”лари пайдо бўлмоқда. Бугун мен улардан бири хусусида ҳикоя қилмоқчиман.

1990 йилда вилоятимиз қишлоқ ҳўжалик ислохоти юксак бўлгани ҳолда унинг ютуқ ва камчиликлари етарли ёритилмаётгани туфайли деҳқончилик санаоти кўмитасида вилоят қишлоқ ҳўжалик рўномаси очига ҳарор қилинди. Зеро, бизда деҳқончилик санаот улуши бошқаларникига нисбатан анча юқори. Қишлоқ аҳли, жамоа ҳўжалиги аъзолари, ўрта бўгин раҳбарлари ҳам ана шу фикрни қувватлашди...”

“Сувдан ҳолва яшаш мумкинми?”. М. Муҳамедов ва рўноманинг собиқ ходимлари. “Дўстлик байроғи”, 1993 йил, №39, 2 июнь.

ТУРКИСТОНДАГИ А. ТЕМУР НОМЛИ МАКТАБДА



Вилоят марказида Гулназ Мамбетова раҳбарлик қилаётган умумтаълим мактаби Амир Темур номи билан юртилади. Мактабга соҳибқирон номи 1994 йили Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган ҳимматли директор Азимжон Ҳожимуродов сазъи-ҳаракатлари натижасида берилган.



Илгариги эски бино ўрнида янги, уч қаватли замонавий ўқув корпуси бунёд этилишида “Жанубий Қозоғистон” газетаси таҳририяти ташаббуси билан жуда кўп фаол ҳамюртларимиз – вилоят ва шаҳар маслаҳатининг собиқ депутатлари Раҳим Танирберганов, Умбет Жусипбаев, Таскул Маҳмудова, Фани Рисбеков, Баҳодир

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: кутубхона мудираси Наргиза Зокир қизи; мактабга соҳибқирон номи 1994 йили берилишига эришган марҳум директор А. Ҳожимуродов; А. Темур номли мактаб ўқув биноси.

Муаллиф тасвирлари.



Бақт тезкор, оқар сувдек шиддатли. 690 йил муқаддам таваллуд топган соҳибқирон Амир Темур ёзиб қолдирган бой маънавий меросни теран ўрганиш, ўқиш ва ҳаётда қўлланиш бугунги авлод учун муҳимдир. Туркистон шаҳридаги “Китоб-севарлар клуби” буюк маърифатпарвар Алихонтўра Соғуний таржимаси асосида 2025 йили Тошкентда нашр қилинган “Темур тузуқлари” китобини мутолаа қилиб, қунт ила ўрганмоқда. Ушбу китоб ҳаёт, ундаги қийинчиликларни енгиб ўтиш, эришилган натижаларга мустаҳкам бўлиш илмини ўргатади. А. Соғуний китобнинг кириш қисмида шундай ҳақиқатни баён этади:

“ТЕМУР ТУЗУҚЛАРИ” КИТОБИ МУТОЛААСИ ГАШТИ

“Биз кўрган арабча, форсча, туркча китобларда Темур устида ҳар турли сўзни ёзадилар. Уларнинг қайси бирлари уни бошга кўтариб мақтасалар, баъзилари уни ерга урадилар. Йигирма етти пойтахтли ерни ўзига бўйсундирган лашкарбоши мазкур китобда ўзининг бутун қилган ишларини қисқача айтиб ўтганидан сўнгра ўз салтанатини сақлаш учун болаларига қўлланма бўлгудек ҳарбий – сиёсий ёсолларини қуриб кўрсатиб, уни “Темур тузуқлари” деб атамишдир. Аслида эса бу китоб Темурнинг ўз қалами билан ўзбекча ёзилган бўлса ҳам, бунга ўз меросхўрлари эга бўла олмаганлар. Эшитишимизча, бу китобнинг асл нусхаси Лондон китобхонасида сақланурмиш.

Тошкентда Диния назорат китобхонасида бундан бир нусха борлигини англаб, уни кўришга қаттиқ қизиқдим. Қарасам, у олтин китоб ўз асли ўзбек тилидан форсчага кўчирилган, ўз маъносини йўқотмаган бўлса ҳам, ўзбеклик ҳайбатидан ажралиш эди. Буни ўқигач, Навоийнинг “Муҳокаматул – луғатайн” китобида айтган сўзини эскариб, унга раҳматлар ўқидим. Навоий бу китобида ўзбек олимлари ўз она тилларини қолдириб, форсий адабиёт-

ларига берилганликларини учун қаттиқ норозилик билдиради. Ўзбек тилининг ҳар тўғрида форсий тилдан ортиқлигини кўрсатиб, ўзбекчадан сўз келтириди. Буларга форс шоирлари ўз тилларида таржима тополмайдилар, дейди. Энди мен бу китобни бошдан оёқ кўриб чиққанимда, бунинг асли ўзбекча бўлиб, Темурнинг ўз сўзи эканлигини аниқ билдим. Оз бўлса ҳам халқ учун мандан хизмат бўлармикан, умрим кесилгандан сўнгра кейингиларга ўзимдан эсдалик бўлиб қолармикан, деган умид билан ҳар ким учун тушунарли қилиб, форсийдан яна ўзбек тилига таржима қилдим. Ёт ерга ўлжа тушиб кетган асаримизни ўз элига кўчириб келтирдим. Темурнинг ўттиз олти йиллик салтанат даврида ўтказган тарихий воқеаларини қисқача равишда билдириш учун бу китоб етарлиқдир”.

Азалдан келаётган ҳақиқат. Мевали дарахтга кўп тош отилади. Лекин ҳақиқат ҳеч қачон синмайди. Туркистон шаҳрида Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини бунёд эттирган Амир Темурнинг тарихий хизматлари қадрига етишимиз даркор. Бу ноёб меъморчилик ёдгорлиги 630 йилдан буён савлат тўкиб, Темур салтанатини намойиш этмоқда.



“Темур тузуқлари” китоби икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда Амир Темурнинг ҳаёти, тажрибаси ва давлатни бошқаришдаги асосий тамойиллари баён қилинган. Иккинчи қисм эса унинг авлодлари ва келгуси ҳукмдорлар учун таълимот ва кўрсатмалардан иборат. Икки дунё саодатига элтувчи хазиналар макони – китоблар мутолаасига барчани чорлайман.

Райимжон ҚўЧҚОРОВ,
вилоят “Үлес” хайрия
жамғармаси ҳамда
Туркистон шаҳар
УЭМБ раиси.

Тасвирда: “Темур тузуқлари” китоби.

АДОЛАТНИ ҚИЛДИ ҚАЛҚОН

(Тазкира)

Бир минг уч юз ўттиз олти очун томон келди бир жон,
Будир балким Ҳақдан инъом, – “бўлсин, деди – Соҳибқирон”.
Кунлар, ойлар, йиллар ўтди, яшаш жойи Кешдек макон,
Ёшлигидан илм олмоқ бўлди, иши хатми Қуръон.
Рухга қуйиб, Ҳақ оятин, ўқиб поклик ҳидоятин,
Дилга тугди Амир Темур башар аҳлин ҳимоятин.
Машқи эди қилич чопмоқ, кураш тушмоқ, ҳаққа етмоқ,
Ҳақ йўлини шиор айлаб, элни дарддан халос этмоқ.
Қалби узра жунбушда жон, адолатни қилди қалқон,
Ҳақни истаб, буюк карвон тинчимани бирон-бир он.
Интибоҳга буриб юзин, жаҳон аҳлин очди кўзин,
Йиғит сўзи қасам дея, қилди мудом айтган сўзин.
Бирлаштирмоқ бўлди ният, бор дунёнинг миллатларин,
Йўймоқ эрди жаҳон узра уруш-талаш иллатларин.
Қадам босди Покистон-у Эрон, Афғон, Озарбайжон,
Ғарбий томон Татар, Бошқирд, Уралгача бўлган макон.
Русияни этиб ишгол, Кавказни ҳам қилди озод,
Ҳар бир элга айлаб имдод, ўздан кўйди Хоқон бир зот.
Чинга томон бургач йўлин: “Утрорда бир олинғиз тин,
Сўнг Хитойга кирине”, – деди, Бибиҳондек оқил хотин.
Таҳликага тушган замон, йўқотди Чин оромини,
Қуриб буюк деворини, деди: “Бузмас маромини”.
Дунё иши сир-синоат, неки бўлса, Ҳаққа аён.
Биз бандамиз, Унга қулмиз, қочиб бўлмас ҳеч бир қаён.
О, бевафо дунё шуда, ўтар дундан шоҳми, гадо,
Дахри-дуннинг ташвишлари битмас ҳеч он, бўлмас адо.
“Бирлаш Турон!”, дея ўтди сўнг нафас ҳам, Соҳибқирон,
Шу нафасдан ўша қишлоқ номи ҳануз Темурлон.
Ўтрор узра сулҳ туздилар, азал қондош учта “жуз”,
Бирлаштириб қозоқ элин, бирлик томон бурдилар юз.
Фароб ичра топширди жон, халоскорим – Соҳибқирон,
Дийдорига тўғилмайин, ийлаб қолди туркий Турон.
Темирландан қирқ чақирим қуёш чиқар шарққа томон,
“Қизил” дея ном берилган тепалиқлар бўзлар ҳамон.

Тасвир айлаб, Шарафуддин Али Йездий битмиш баён,
Афсонамас, ҳақиқатдир мануе порлар кундек аён.
Ҳар баҳорда ёғса найсон, Арис дарё тўлгай қонга,
Қонли тарих қолдирган из, маконмикан шаҳид жонга?

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР МОНОЛОГИ

Садоқатли туркий-Турон, омон бўлсин ҳур Туркистон,
Олти аср, тўқсон йилки, номим эслар жумла жаҳон.
Ҳақ йўлига жонни тикдим, йўлчи юлдуз эрди Қуръон,
Иймон нури дилга кўйдим, ҳар қадамда бўлди посбон.
Болаликда руҳга инди ғойибона сирли нидо,
Қилди хитоб: “Бирлашсин эл, фарзинг эрур, айла бажо!”.
Изоҳлари буюк ҳикмат, ҳикматларин ўқди юрак,
Расулulloҳ ҳадислари Ҳақ ҳукмидан берар дарак.
Олам аро адолатнинг мағғини ёқмоқ шараф,
Ноҳақликни барбод қилмоқ, икки дунё иймон тараф.
Аллоҳ инъом этди менга ғайрат ила шижоатни,
Мадад бериб Ўзи ҳар он, кутди ҳар дам, ижобатни.
Ишим бўлди илми ҳарба, босқинчиға бермоқ зарба,
Рўйи замин узра ҳарна чиқмасин деб, низо зарра.
Тангри берган тузикларим ғалабага бўлди ҳамдам,
Елга учмай ҳар бир сўзим, қўшин учун бўлди малҳам.
Муруватни дедим меърож, адолатни бош узра тож,
Улусга ҳам бердим илж, барҳам топди улкан хирож.
Рухим топтаб гўрим очди, залолатга ботди жаҳон,
Мен ким ўша-Соҳибқирон, жангу жадал пири-Хоқон.
Олам бўйлаб ҳақиқатни ёйдим ҳар ён, ҳар бир томон,
Ноҳақликни йўймоқ учун жондан кечдим, ҳар битта он.
От устида ўтди умрим, тин олмоқ ҳам эрди бир зум,
Лаббайка деб, Ҳақ йўлида жангга кирмоқ бўлди фарзим.
О, авлодм, бир тан бир жон бўлсин мудом, то бор жаҳон,
Гўримда ҳам тилаб ётзум олам учун тинчлик замон,
Интил Турон, ҳой Туркистон, қадаминг бос бирлик томон!

Абдурауф АБДУҒАФФОР.



СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР...

Дунёни зир титратган
Адолат пешвоси.
Умри жангларда кечган
Ҳалоллик подшоси.
Мустаҳкам давлат курмоқ
Унинг асл мақсади.
Туркийларни оламга
Танитмоқдир аҳди.
Ғанимларга қонли қилич
Бўйсинганга авф тайёр.
Ундан қочиб кетолмас
Сотқин бўлган ҳеч бир айёр.
Улуғ саркарда атарлар
Бутун халқи уни севиб.
Тенглигидан баҳраманд
Иймонсизни нари қувиб.
Унда бор шундай шиор:
“Кучимизни тан ол, шундоқ
Қуратимизга ишонмасанг,
Бизнинг иморатларга боқ!”

Соҳибқирон йўллариде
Душманнинг изи қолмагай.
Қаровидеги элларда
Адолат гули сўлмагай.
Илм-фан равнақидан
Машҳур бўлди кўп эрлар.
“Тузуқ”ларида ёзганидек
Машварат энди дерлар.
Курраи эамин ярмида
Унинг ҳукими юрди.
Ақл-заковатига тан бериб,
Номини бебаб турди.
Унинг ғолиб шуҳрати
Авлодларга намуна.
Мард ўғлонлар бор экан,
Тинчлик қилур тантана.

Қодир АҲМЕДОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.

Улмас сатрлар

Тўра СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон халқ шоири.

УМР ЎТМОҚДАДИР ДАРЁ МИСОЛИ

Эсиз, болалиқни қолдириб ортда,
Умр ўтмоқдадир, дарё мисоли.
Қолдириб-қолдирмай из бу ҳаётда,
Умр ўтмоқдадир, дарё мисоли.

Опоқ тонғи улаб, тийрай шомга,
Бирда шак келтириб, сирли оламга,
Гоҳо таъзим қилиб бадкор, бадномга,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Қай кезлар ушалмай, орзу-армонлар,
Бирда ғолиб келиб, тулқисмонлар,
Бирда бой берилиб, бебаҳо онлар,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Денгиздай мавж уриб, қирғоқдан тошиб,
Юрар йўлимиздан бирда адашиб,

Ким биландир зимдан мансаб талашиб
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Яратиб не сирлар, не мўъжизалар,
Қутлуғ кун кетидан кун ўтказилар.
Беҳуда ўтган дам – кўнғил эзилар...
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Ҳар тонгда тўрғайдан олдин уйғониб,
Чаманлар яратиш ишқиде ёниб,
Бирда-чи: эътиқод, имондин тониб
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Эрта билан боғлиқ – не дамларимиз,
Билиб-билмай босган қадамларимиз,
Хайрли иш, алам, қарамларимиз
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Кексалик мўралаб эшик қоқмоқда,
Болалиқ қайтадан қайтарилмоқда...
Биздан эрта кунга нелар қолмоқда?
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Ўлмас созни ўйлаб, дегинг келмайди,
Ўчмас издан сўйлаб, дегинг келмайди,
Мангуликка бўйлаб, дегинг келмайди
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли...

Назм дафтаридан

ОНАМ

Оғриб қолсам бошимда бўлар парвонам, онам,
Бу ҳаётда тенги йўқ ўзи ягонам, онам.
Йўлларимни ёритар зиё чирғоғим, онам!
Содиқ дўст-у, меҳрибон, сирдош дугонам, онам!

Кечалари мен учун қайғу-аламлар ютган,
Қизим деб ҳавотирга тушиб, ташвишга ботган,
Қувонсам гар, ёнимда шерикдай, болин тотган,
Бу менинг онажоним, ёлғизим, менинг онам!

Не машаққатлар чекиб, етказдилар вояга,
Оқ ювиб, оқ тарашиб, қолдирмади сояда.
Синовларнинг барчасин йўналтириб гоёга,
Тарбия этган онам, меҳрибонимдир онам!

Фақат фарзандим дея, ўйлаб яшаган онам,
Қувонсам, мисли чаман, гулдай яшнаган онам.
Ҳатто дуосида ҳам ўзин нутган онам,
Бу менинг онажоним, меҳрибонимдир онам!

Ўғлим йўқ дея асло ўқинмай меҳр берган,
Қизим бор дея, адл кўксини озод кўрган.



Набиралар бахтидан
фахрини туя юрган
Бу менинг онажоним,
дилда афсонам онам!

Шеър мухлиси бўлиб чин, илҳом манбаси онам,
Қалам тутқазган қўлга, илҳом ғазнаси онам.
Шоира деб исминини танлаган асли онам!
Шеър ёзмоқлик ҳаваси юққан бандаси Онам!

Онажоним, муборак бўлсин олтмиш ёшингиз!
Қувончдан аримасин кўнғилда қўшингиз.
Порлаган меҳр кўзда, омон бўлсин бошингиз,
Сиз учун шеър битади бу Шоира қизингиз!

Ғам-ташвишлар бўлмасин сизга энди соябон,
Нурли оқ юзингизга ажин тушмай ҳеч қачон.
Белингиздан куч-қувват кетмасин, бўлсин дармон,
Омад-бахт этмасин қалбингиз тарк, онажон!

Шоира ФАРМОНҚУЛОВА,
Ақтов шаҳри.

Тулкибош туманининг Турар Рискулов қишлоғидаги “Түлкібас саяси” МЧБ тиклаш-соғломлаштириш мажмуаси мижозларига замон талабига мос хизмат кўрсатиш баробарида, ўзининг бетакрор табиати, шифобахш муҳити билан ажралиб туради.

“ТҮЛКІБАС САЯСИ” – ТАБИАТ БАҒРИДАГИ ШИФО МАСКАНИ



Фаолиятини 2022 йилда бошлаган ушбу муассасага Ақтўти Бегалиева раҳбарлик қилмоқда.

– 2022 йилнинг август ойидан эътиборан, ҳамюртларимизнинг соғлигини тиклаш соҳасида хизмат кўрсата бошладик, – дейди суҳбатда санаторий раҳбари А. Бегалиева. – Умуртқа поғонасидаги диск чурраси ҳамда бўғимлар хасталиklarини даволашга ихтисослашган масканимизда мижозларга давлат буюртмаси асосида ва пулли хизматларни кўрсатамиз. Оилавий бизнес сифатида фаолиятимизни бошладик. Ихтисослигим иқтисодчи бўлиб, нафақа тўлаш маркази, ижтимоий соҳада фаолият юритганим ҳамда бу борада ҳамюртларимизни

лар учун мўъжазгина ҳовузларда умуртқа поғонаси диски чуррасини даволаш, оғриқларни камайтириш учун махсус машқлар ўтказилади. Бўғим хасталикларини учун турли тиббий усуналар, парфин хонаси, уқалаш, қиздириш билан мижозларга



фокорларнинг муолажалари, шароитлар кўнглимини кўтаради. Шу боис ҳам ҳамюртларимизга ушбу масканга келиб, соғлиқларини тиклашни тарғиб қиламан. Ақтау, Астанада истиқомат қилаётган қизларим, фарзандларим масканнинг доимий мижози бўлишим учун имконият яратиб беришмоқда. Ўтган йили ушбу даргоҳга икки марта келиб, маза қилиб қувват йигиб кетдим.

Нигмет Муҳаммеджанов:

– Москва вилоятининг Ба-лашиха шаҳридан ушбу санаторийда даволаниб, ҳордиқ чиқариш учун келдим. Ақтўбе вилоятидаги Новороссийское – ҳозирги Ақжар қишлоғида таваллуд топдим. К. А. Темиряев номидаги Москва Қишлоқ ҳўжалиги академиясида тахсил олдим. Йил сайин шу масканга келиб, ҳордиқ чиқа-



қийнаётган муаммолардан йиллар мобайнида бохабарлигим боис ҳам ушбу йўналишда фаолият юритишга қарор қилдик. Невролог, кардиолог, травматолог ва бошқа мутахассисликлар бўйича фаолият юритаётган ходимларимиз бой тажрибага эга. Фаолиятимизни эндигина бошлаган пайтимизда 100 нафар киши бир мавсумда даволаниб кетарди. Айни дамда эса 400 нафар мижозга хизмат кўрсата оламиз.



даволаш курслари асосида хизмат кўрсатилаётганига амин бўлдик.

– Тулкибош туманида истиқомат қиламан, 2-гурӯх ногирониман. Ушбу масканга тез-тез келиб тураимиз. Даволаш, соғломлаштириш бўйича кўп хизматлар кўрсатилади. Бизга юсак даражада хизмат кўрсатаётган ходимлардан миннатдорман. Тиззама жарроҳи қилинган, санаторийга йилгига камида бир-икки марта келаман, – дейди Куляйим Қидирбаева.

риб кетаман. Курсдошларим билан доимий учрашадиган масканимиз. Жорий йилги учрашувимизни тарозлик биродарларимиз ажойиб тарзда уюштиришгандан хурсандимиз. Муассасада ишлар яхши ташкил этилган.

Бахтияр Исмаилов:

– Тароз шаҳрида истиқомат қиламан. Курсдошларимиз билан учрашувга тез-тез келиб тураимиз. Мазкур даргоҳ раҳбари Ақтўти Қўнибек қизига, жамоасига миннатдорчилик билдираман. Бизга тақдим этилаётган соғломлаштириш хизматларидан, муолажадан мамнунимиз. Москвада таълим олганман, биология фанлари номзодиман. Жорий йили курсдошларимиз билан бешинчи бор учрашувимизни шу ерда уюштиряпмиз. Тулкибош тумани раҳбарлари, маслаҳати депутатлари шифо масканларининг кўллаб барпо этилишига ташаббускор бўлишсин. Наврўзи Тулкибошда қарши олдик.

Бетакрор ва шифобахш



Баҳор фаслида қарийб 200 нафар кишига хизмат кўрсатмоқдамиз. Санаторийда фаолият юритаётган 60 нафар ходим вилоятимизнинг деярли барча туманлари ва шаҳарларидан келган мижозларнинг кўнглидан чиқишга ҳаракат қилишяпти. Даволанишни анъанага айлантирган ҳамюртларимиз, кўшни мамлакатлардан ташриф буюраётган меҳмонларимизни кўриб, эл соғлигини тиклаш борасидаги фаолиятимиз мавсум сайин янги қирраларни кашф этаётганига ишонч ҳосил қилаямиз. Соғломлаштириш, шифобахш жисмоний тарбия соҳасида 21 хил хизматимиз бор.

Санаторий раҳбари мижозларга кўрсатилаётган махсус тиббий жараёнлар хонасига бошлади. Аёллар ва эркек-



– Қуқурбулоқ қишлоғида истиқомат қиламан, – дейди Мағрипа Сарсенбаева. – Бизга яқин бўлганлиги боис, биз учун қадрдон масканга айланди. Микроинсулга чалингандим, 6 ой ҳаракатларимда анча муаммолар сезилди. Бироз соғайиб, бу ерга келдим. Малакали ши-

табиати ва қулай шароитлар билан уйғунлашган масканда ҳамюртларимизнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини яхшилаш учун яратилаётган имкониятлар ва санаторийларнинг ортиб бораётгани фаровонликдан дарак.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

БОЛАЖОНЛАР МАСКАНИДА НАВРЎ

Садоқат Сулаймонова раҳбарлик қилаётган “Жамолӣ она” болалар боғчасида жамоа ҳамда ота-оналар ташаббуси билан Наврўз байрами уюштирилди.

Баҳорга ҳамнафас Наврўз айёмини бир ой мобайнида нишонлаш анъанага айланган. Турли ташкилотлар, муассасалар қаторида болалар маънавияти шаклланаётган масканларда ҳам Наврўз шодиёнаси давом этмоқда. Болалар боғчаси мудириси Садоқат Низомхон қизи ҳамда услубياتчи Феруза Нурметова раҳбарлигида тайёрланган Наврўз таоми – ҳалим ва сумалак дастурхонга тортилды.

Тарбиячилар тadbирга халқимизнинг қадимий урф-одатларига ҳурмат ва эҳтиром тарзида ёндашиб, болалар иштирокида арқон тортиш, ошиқ отиш, наврўз кўжа тайёрлаш, тушов



кесди, келин салом, миллий либослар кўргазмаси каби бир неча шартлар бўйича танлов уюштирилди. Тўкин дастурхон

атрофида болалар иштирокида шеър, кўшиқлар янграб, рақслар ижро этилди. Ҳакамлар ҳайъати барча гуруҳларнинг чиқишларини баҳолаб борди.

Тadbир якунида 12та гуруҳ турли номинациялар билан тақдирланиб, тарбиячилар Г. Шоҳимова, Х. Эрхўжаева, Ф. Эшонқулова, К. Ниёзметова, Д. Муҳиддинова, С. Абдуазимова, Ш. Иристовая, М. Толибжонова, С. Абдуллаева, Т. Колесникова, Х. Махмуджонова, Д. Хусанжонова, Г. Собирова, С. Каримова, Г. Йўлдошева, Л. Исманова, Д. Мўминхўжаева, Г. Турашева, Н. Абдурахимова, Г. Музрабшиқова, Д. Султоншиқова, Д. Норқуловаларга маъмурият томонидан ташаккурнома ва совға-саломлар топширилди.

М. УСМОНОВА.

Тасвирларда: тadbирдан лавҳалар.



ДАРСДА СУНЪИЙ ИДРОКДАН ФЙДАЛАНИШ

Бугунги кунда таълим тизими ўқитувчидан нафақат билим бериш, балки дарс жараёнини замонавий, интерфаол ва мазмунан бой шаклда ташкил этишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, 6-синф ўқувчилари билан ўзбек тили ва адабиёти дарсида таниқли адиб, Одил Ёқубовнинг “Музқаймоқ” ҳикояси асосида ўтказилган очиқ дарс алоҳида аҳамият касб этади.



Дарс жараёнида ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, кластер, савол-жавоб, фикр алмашиш, ролли ўйин каби интерфаол усуллардан фойдаландим. Бу усуллар ўқувчиларга асар мазмунини чуқурроқ англаш, қаҳрамонлар фель-атвори ва асардаги гоъни мустақил таҳлил қилиш имконини берди.

Дарсининг яна бир муҳим жиҳатларидан бири – замонавий рақамли технологиялар, хусусан, сунъий идрок имкониятларидан фойдаланилганидир. Ўқувчилар СИ орқали асар қаҳ-

рамонларининг образини тасвирлаш, матн мазмунини таҳлил қилиш ва турли саволларга жавоб топшишга ҳаракат қилдилар. Бу эса уларнинг ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилди.

Дарсни янада мазмунли ташкил этиш мақсадида ўқувчилар Қарноқ қишлоғида жойлашган музейга ҳам боришди. Ундаги тарихий осори атиқалар ва миллий мерос намуналари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Болалар аждоқларимиз ҳаёти, миллий қадриятлар ва тарихимиз ҳақида кўплаб янги маълумотларга эга бўлдилар.

Адабиёт дарси ва амалий саёҳат уйғунлиги ўқувчиларнинг китобхонликка қизиқишини янада оширди. Улар асарнинг маъно-мазмунини ҳаёт билан боғлаб англашга интилишди.

Хулоса қилиб айтганда, бундай дарслар ўқувчиларни мустақил фикрловчи, дунёқараши кенг шахс сифатида тарбиялайди.

Роҳила АБДУСАТТОРОВА,

11-сонли “Ақын-тўма” умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси. Кентов шахри.

ҚОР ШАҒИМДАРДЫ ҚАБЫЛДАУ ТӘРТІБІНДЕГІ ӨЗГЕРІСТЕР ТУРАЛЫ ХАБАРЛАЙДЫ

Денсаулық сақтау министрлігінің 2026 жылғы 13 наурыздағы №132 бұйрығымен 2020 жылғы 8 қазандағы №648 «Біртұтас медициналық ақпараттық call-орталығының қызметін ұйымдастыру ережелері мен оның регламентін бекіту туралы» бұйрығына өзгерістер енгізілді.

Бұл өзгерістер 1414 байланыс орталығы арқылы медициналық көмек сапасына қатысты шағымдарды қабылдау функциясын алып тастау жолымен азаматтардың жеке деректерін қорғау деңгейін қамтамасыз ету және дәрігерлік құпияны сақтау талаптарын орындау мақсатында жүргізілді.

Азаматтар медициналық көмек сапасына қатысты шағымдарын келесі цифрлық қызметтер арқылы жолдай алады:

- Өлеуметтік медициналық сақтандыру қорының ресми сайты – msqory.kz;
- Qoldau 24/7 мобильдік қосымшасы.

Бұл ретте азаматтарға ТМҚК және МӘМС жүйесі аясында медициналық көмек алу мәселелері бойынша консультациялар 1414 байланыс орталығы арқылы бұрынғы тәртіпте жүргізіледі.

М. ДЖУМАНОВ,
“AQ NIET плюс” ЖШС медицина орталығының директоры.

Хотираобод

ҲАЁТ БЎЛГАНИДА 60 ЁШГА ТЎЛАРДИ

Фотима Назарова (тасвирда), 1966 йили 7 апрелда Туркистон шаҳрида туғилган. Падари бузруквори Тўраҳон ота темирўл соҳасида тафтишчи, волидаи муҳтарамаси Ёдгор ая қаҳрамон она, уй бекаси эди.

Шаҳардаги А. Навоий номи мактабни сўнг Тошкент политехника институтининг иқтисод факультетини тамомлаган. 1988 йили турмушга чиққан. Икки фарзандли бўлди. Аллоҳнинг иродаси экан, 1992 йили 7 июнда оламдан ўтди. Охирати обод бўлсин!

Биз эгизлар, бирга бахтиёр эдик, Келажакка орзу-ниятлар мўл эди. Орзуларимиз айландику армонга, Кўзда ёш билан эслайди сени барча. Ҳаёт бўлганинда олтимизга кирардинг, Жигарлар ила шодон ўйнаб кулардинг. Доимо барчага меҳр нурун сочардинг, Қиёматга қолди энди дийдорлашмоқ.



Зухра ФАРМОНҚУЛОВА.

»» Заковатли миллат

ЖАҲОНГИРНИНГ
ИҚТИДОРЛИ ШОГИРДИ
ЗАФАР ҚУЧДИ

«Алтын түлек» математика фан олимпиадасининг республика мусобақасида Саврон туманидаги Ҳ. Жанибеков номли мактабнинг 11-синф ўқувчиси Жалолиддин Султонкулов ғолибликка эришди.



Дилмира Файзиева раҳбарлик қилаётган умумтаълим мактабнинг математика ўқитувчиси Жаҳонгир Мадихон ўглини иқтидорли шогирди эришган республика миқёсидаги улкан ютуқ билан самимий муборакбод этамиз.

Жалолиддин Султонкулов учинчи даражали диплом билан тақдирланди. Мукофот муборак!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Ж. Жалилов шогирди Ж. Султонкулов билан.



Ушқдўйим

Юз жафо қилса манга бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо,
юз қатла фарёд айларам.
Алишер НАВОЙЙ.

АМИР ТЕМУР
ДЕЙДИЛАРКИ...

• Ишбилармон мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

• Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, яқинига ҳам йўламасинлар. Хотирдан чиқмасинким, Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

• Кенгаш икки турли бўлур: бири – тил учида айтилгани, иккинчиси – юракдан чиққани. Тил учида айтилгани шунчаки эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.

ТИЛАКЛАРИМИЗ
СИЗГА АРМУҒОН...

Саврон тумани, Янги Иқон қишлоғидаги фаол обуначимиз, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, вилоят оқсоқоллар кенгаши ҳайъати аъзоси Бобонон Ғубовни таваллуд қилиши билан самимий муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, умр йўлдошингиз, қаҳрамон она Ҳузурхо Бобонон қизи билан кексалик гаштини суриб, фарзанд, неварани, эварани, чеваралар камолини бирга кўриши саодатини тилаймиз.

Ҳаётда кўлни кўрган, ҳаётини тажрибаларини шеърини китобга сингдирган фахрий ҳамюртларининг ҳаёти ёшлар учун ибрат мактабидир.

Тахририят, вилоят, Туркистон шаҳри ва Саврон тумани ҳамда Янги Иқон қишлоғи УЭМБ бошқаруви.

»» Орамиздаги одамлар



Ҳамюртимиз Нағима Абдуллаева пиру бадавлат сулола соҳибаси. Қарийб аср билан юзлашаётган онахон оила фойзи, хонадон баракаси Шимкент шаҳрида истиқомат қилади.

Саккизинчи мучал ёшнинг орда қолдирган мўтабар онахон фарзандлари, неваралари, чевара ҳамда эваралари ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

Унинг болалиги айна УВУ йилларига тўғри келди. 1929 йили серфарзанд оилада таваллуд топди. 16-сонли мактабни тамомлади. Падари бузрукворини Назиркул ота ҳамда волидаи муҳтарамаси Савриниса ая фарзандларининг илмли бўлиши учун имконият яратиб беришди. Назиркул ота уруш жанггоҳларида қон кечиб, ғалаба билан соғ-саломат оиласига қайтди. Оила раҳбари савдо соҳасида фаолият юритгани боис фарзандлари ҳам ота изидан боришди. Оиланинг тўнғичи Раҳим Назиркул ўғли Тошкент шаҳрида ҳуқуқшунослик факультетини тамомлади, ўзи таҳсил олган ОТМда талабаларга дарс

дафн этилди. Фарзандларини отам ҳамда амаким вояга етказишди. Жорий йили 103 ёшнинг нишонлаган онамининг жигари – амакиваччаси Хотира Ирисматов ва ҳақида «Жанубий Қозғоғистон» газетаси саҳифасида мақола ёзгандингиз. Назиркул бобом Хотира аямни, онамининг амакиси Нормат ота эса Хотира аянинг

...Онахон 1953 йили Абдуманнон Абдуллаевага турмушга чиқди. Савдо соҳасида фаолият юритаётган умр йўлдоши билан бешта фарзандни вояга етказишди. Тўнғичи – Олимжон Тошкент Политехника институтини тамомлади, муҳан-



синглиси Нафиса аяни вояга етказишган. Ўзбекиона кадрятлар оила аҳиллиги, авлодлар оила ўртасида тотувлик, бағрикенглик ришталарини чамбарчас боғловчи аънаналар. Бобом, тўққиз фарзандни вояга етказган бағрикенг инсон бўлган. Отам раҳматли кўп йиллар савдо соҳаси, матлубот жамияти базаларида фаолият юритди. Уч сингли отам изидан бориб, савдо соҳасини танлашди. Падаримиз нафақа ёши арафасида шаҳар босмахонасида фаолият юритди. Дастлаб «Южный Казахстан», «Оңтүстік Қазақстан» газеталарини чоп этишарди. Уйимиздан газеталар узилмас эди. Отам оила аъзолари дунё хабарларидан воқиф бўлиши учун турли газеталарни олиб келарди. Бироз муддат ўтиб, хонадонимизга она тилимиздаги «Жанубий Қозғоғистон» вилоят газетаси ҳам кириб кела бошлади. Отамнинг ушбу соҳадаги ишидан журналистларнинг фаолияти осон эмаслигига амин бўлганмиз. Уларнинг мақолалари тахририятда тайёрланиб, босмахонада махсус қоллипларда саҳифаланиб, асосан, кечаси, босиб чиқариларкан. Онажонимиз хасталикка чалиниб, тўшакка михланганлигига тўққиз йил бўляпти. Унинг бориға шукр, дуолари билан ҳамон болалик

давримизда яшамоқдамиз. Бирор жойга онажонимнинг рухсати билан боришга одатланганмиз. Базан ишларим кўпайиб, уйга кечроқ келсам, мени кутиб, ухламай ўтирадилар. Йиллар ўтиб, етмиш остонасидан ошиб, «ойим кутяптилар, хавотир оладилар», дея, уйга шошилиш ҳам буюк нэьмат эканлигини ҳис қилар экансиз.

Олимжон ака умр йўлдоши Насиба опа, келини ҳамда неваралари билан нуруний онахон атрофида парвона. Тўнғич фарзанди Наргиза юқумли хасталиклар касалхонасида шифокор, Шаҳноза савдо соҳасида. Жавлон – тадбиркор..

– «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасидан онажонимиз билан мулоқотда бўлиш ниятида хонадонимизга ташриф буюргангиздан миннатдоримиз, – дейди Тошкент шаҳридан алоқага чиққан онахоннинг тўнғич қизи Малика опа. – Бу дунёдаги жаннатимиз, жону-жаҳонимиз борлигига

шукр. Бизларни ўқитишди, олий маълумотли қилишди. Тақдир тақозоси билан Тошкентда оила қуриб, фаолият юритдим. Онажоним билан бирга бизни вояга етказишди, падари бузрукворимизнинг қабрлари нурга тўлсин, илойим.

– Хонадонимизга, онажонимизни йўқлаб келганингиз учун миннатдоримиз, – дейди нурунийнинг қизи Зумрад опа телефон орқали боғланиб. – Онажонимиз бахтимизга доимо омон ва соғ бўлсин. Волидаи муҳтарамамиз акамиздан кейин тўрт нафар қизни дунёга келтирган. Қизлариникига ёзда меҳмонга боришади. Бир ой мобайнида хонадонларимизни дуолари, эзгу ниятлари билан гўзалликка чулғайдилар. Онажонимиз нуруний ёшга келсалар-да, ҳаётга бўлган қизиқлиги, одамларга меҳри ва биз, фарзандларига бераётган маслаҳатлари ўзгача. Сулоламизнинг турли ёшдаги вакилларини бирлаштириб турувчи, улар ўртасида муқаддас кўприк қизиқлиги, одамларга меҳри ва авлодларимиз раҳнамасига айланган онажоним дуолари, фойзи, барокати барча ҳамюртларимизга насиб этсин.


М. САЪДУЛЛАЕВА.

Ушқдўйим
соҳибаси

...Одамлар шодон яшаган ҳолларида ҳам ўз-ўзларидан безор бўлиб кетишади. Улар ўзлари кўнликан шарт-шароитларидан, муқаддас билган эътиқодидан, яхши-ёмон аъмолларидан, қолаверса, меҳр-муҳаббатидан эвазига бирор нарса қутишади.

«Ҳаёт – шунчаки йўл. Одимлашдан лаззат ол!»

Элчин САФАРЛИ.



Шоир учун асосий иш – кўнги кўзи билан кўриш, қозғоғга тушириш эса – касб.

Асқад МУХТОР.



Бошқа биронинг назарида унчалик гўзал эмасдирман, аммо у мени фарштадек кўради...

Франс КАФКА.




Фалсафа мактаби касалхонага ўхшайди. Сиз уни хуш кайфиятда эмас, балки оғриқ билан тарқ этасиз.

ЭПИКТЕТ, файласуф.

Ҳайвонлар биз билан бирга яшаб хонақалашади, кишилар эса бир-бири билан муомалада бўлиб ваҳшийлашади.

МИЛОДАН АВАЛ ЯШАГАН ЮНОН ФАЙЛАСУФИ.



ГЕРАКЛИТ,

»» Таботаб

ЁШ БОЛАЛАРДА ИЧ
ҚОТИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

- Болаларга ич қотишининг олдини олиш учун зайтун мойи ва лимон аралашмаси берилиши мумкин. 1 чой қошиқ зайтун мойини 1 чой қошиқ янги сиқилган лимон шарбати билан аралаштириш тавсия этилади.
- Бу аралашмани ҳар куни эрталаб оч қоринга болага бериш керак, нажас ўтишига ёрдам беради ва ич қотишининг олдини олади.

ДОЛЧИННИНГ
ҲОДАЛАРИ

- Долчин марганец, темир ва калций моддасининг манбаидир.
- Кунига ярим чой қошиқ долчин қабул қилиш, холестерин миқдорини пасайтиради.
- Долчин қондаги қанд миқдорини тартибга солишга таъсир қилади, бу қандли диабет билан оғриган беморлар учун айниқса, муҳим ва фойдалидир.
- Ҳафта давомида нонушадан аввал ярим чой қошиқ долчинни, 1 ош қошиқ асал билан истеъмол қилинса, артритдан халос қилади.
- Долчиннинг хушбўйлиги хотирани яхшилайди.



ҳам берганди, кейинчалик эса отаси сингари савдо соҳасида фаолиятини давом эттирди. Наримон ҳам савдо соҳасини танлади. Раъно ва Анвар ўқуду-да биология, кимё соҳасини танлашди. Бахтинисо Халқ хўжалиги институтида таҳсил олди. Тошкентдаги қатор заводларда фаолият юритди. Улуғбек Халқ хўжалиги соҳаси мутахассиси сифатида халқга хизмат қилган эди. Марҳума Карима тикувчилик билан шуғулланарди.

–Ота-онамининг жойлари жаннатда бўлсин, – дейди суҳбатда Нағима опа, – фарзандлари олий маълумотли бўлиш

дис-механик сифатида фаолият юритди. Малика – Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлади, муҳандис-технолог. Зумрад, Севара, Анора савдо соҳасида фаолият юритишди. Фарзандларининг барчаси айна кунда онахон сингари нафақадор, неваралари, чеваралари ардоғида умргузаронлик қилишмоқда.

– Авлод вакилларининг бағрикенглиги биз учун ибрат мактаби, – дейди онахоннинг ўғли Олимжон ака. – Марҳум Эгамберди амаким урушдан қайтмади. Жасади бегона юртларга

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТӨЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохон МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.»
«Фойдаланилмаган мақолаларлар ёзма жавоб қайтарилмайди.»

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги тасдиқланган 2026 йил 1 апрелда рўйхатга олинди.
KZ64VPY00145638 ғувоҳнома берилган.

«ERNUR»нинг МЧБ босмахонасида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Бўғим № 733

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10500 нуска.

Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Бўғим № 733